

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ

5340200 – «Менежмент» бакалавр таълим йўналиши бўйича

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: “Қорхона фаолиятини модернизациялаш жараёнида  
инновацион фаолиятни бошқариш”**

Талаба

(имзо, кун, ой, йил)

Нодир Халилов

53-09 гуруҳ талабаси

Битирув малакавий ишига

рахбар-маслаҳатчи

(имзо, кун, ой, йил)

Г. Ахмедова

катта ўқитувчи

**Фарғона – 2013**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. Инновацион менежментнинг назарий асослари</b>	
<b>1.1.</b> Инновация тушунчаси ва уни бошқариш асослари.....	<b>8</b>
<b>1.2.</b> Инновация фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши.....	<b>18</b>
<b>1.3.</b> Инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш йўналишлари.....	<b>28</b>
<b>II БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновация фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш таҳлили</b>	
<b>2.1.</b> Инновацион фаолиятни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари таҳлили.....	<b>33</b>
<b>2.2.</b> Республикада инновацияларни қўллаб-қувватлаш натижалари таҳлили.....	<b>43</b>
<b>2.3.</b> “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни ташкил этиш имкониятлари таҳлили.....	<b>56</b>
<b>III БОБ. “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш</b>	
<b>3.1.</b> “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш босқичларини рационаллаштириш самарадорлиги.....	<b>74</b>
<b>3.2.</b> “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион стратегияларни танлаш ва амалга ошириш ишларини такомиллаштириш.....	<b>79</b>
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>86</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>92</b>

## КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз Ислон Каримовнинг “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436 ҳамда 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-916-сонли қарорлари юртимизда инновация соҳасига қаратилаётган этиборни янада кучайтирди.

Президентимиз айтганларидек, “Махсулот рақобатдошлогини таминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур манба ва маблағларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис – техник ходимларнинг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбуряти бўлмоғи керак”. Бу йўналишда, саноат корхоналарида самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва инновациялар трансферини жорий этиш бир қатор муаммоларни вужудга келтиради. Муаммоларнинг асосий қисми молиявий таъминот масалари билан боғлиқ, албатта.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноатни ривожлантириш биринчи навбатда, тараққиётнинг хом-ашё йўналишидан инновация йўналишига ўтиши натижада бутун иқтисодиётда стратегик муҳим ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник

янгилаш мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ»<sup>1</sup>.

Агар, бу хил вазифалар дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодиётига кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, яъни дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин ўзгариб туриши ҳолатида амалга оширилишини инобатга оладиган бўлсак, рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида замонавий ишлаб чиқариш соҳасида инновация фаолиятини кучайтириш, унинг техник ва технологик базасини мустаҳкамлаш, унинг сифат даражасини кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд бўлиши лозим.

Бу эса битирув малакавий иши мавзусини долзарблигини англатади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади корхона фаолиятини модернизациялаш жараёнида инновацион фаолиятни бошқариш бўйича назарий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Инновация тушунчаси ва уни бошқариш асосларини баён этиш;
- Инновация фаолиятини давлат томонидан бошқарилишининг назарий жиҳатларини асослаш;
- Инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш йўналишларини кенг ёритиш;
- Инновацион фаолиятни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари таҳлилини амалга ошириш;

---

<sup>1</sup> И.Каримов «Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». //Халқ сўзи. 2010 йил.30 янв.

- Республикада инновацияларни қўллаб-қувватлаш натижалари таҳлилини амалга ошириш;
- “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни ташкил этиш имкониятларини таҳлил қилиш;
- “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш босқичларини рационаллаштириш самарадорлигини ўрганиш;
- “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион стратегияларни танлаш ва амалга ошириш ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишнинг объекти ва предмети. Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, “Фарғона ёғ – мой” ОАЖ ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети корхона фаолиятини модернизациялаш жараёнида инновацион фаолиятни бошқаришни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни “Фарғона ёғ-мой” ОАЖдаги таҳлилини ўрганиш бўлиб ҳисобланади.

Услубий асослари, ахборот базаси. Ушбу битирув малакавий ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, фармонлари ва асарларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, мавзуга алоқадор бўлган интернет маълумотлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, интернет манбалари ахборот базаси сифатида шаклланди. Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси томонидан тайёрланган битирув малакавий ишларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмадан услубий асос сифатида фойдаланилди.

Назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий ишида кўтарилган асосий масалаларда “Менежмент”, “Менежмент назарияси”, “Корхона иқтисодиёти ва менежменти” ҳамда “Инновацион менежмент”

фанларидан ўтиладиган маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, автортранспорт корхоналарида бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича келтирилган таклиф ва тавсиялар ушбу корхоналарда бошқарув самарадорлигини ортишига хизмат қилади.

Ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий ишнинг мавзуси “Корхона фаолиятини модернизациялаш жараёнида инновацион фаолиятни бошқариш” номида тайёрланган бўлиб, у кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишида 17 та расм 15 та жадваллардан фойдаланилган.

1-боб “Инновацион менежментнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, у ўз ичига Инновация тушунчаси ва уни бошқариш асосларини инновация фаолиятини давлат томонидан бошқарилишини ҳамда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш йўналишлари олади.

Битирув малакавий ишининг 2-боби “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновация фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш таҳлили” деб номланган бўлиб, мазкур бобда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари таҳлили, республикада инновацияларни қўллаб-қувватлаш натижалари таҳлили, “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни ташкил этиш имкониятлари таҳлили тўла баён этилган.

3-бобда “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш бўйича бир қатор масалалар ўрганилган. Улар қаторига, “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш босқичларини рационаллаштириш самарадорлиги, “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион стратегияларни танлаш ва амалга ошириш ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.


Хулоса қисмида эса битирув малакавий ишига оид бўлган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда назарий билимларни такомиллаштириш мақсадида умумий хулосалар келтирилган.

## I Боб. Инновацион менежментнинг назарий асослари

### 1.1. Инновация тушунчаси ва уни бошқариш асослари

Маълумки, бир сифатдан иккинчи бир сифатга ўтиш ресурсларни (энергия, вақт, молия, маблағлар ва бошқалар) талаб этади. Янгиликни ҳаётга тадбиқ этиш хали ўз навбатида ресурсларни талаб этади. Буларнинг орасида энг муҳим инвестиция (маблағ) ва вақтдир. Бозор шароитида товарларни олди-сотди жараёни иқтисодий муносабатлар тизими сифатида намоён бўлади ва унинг доирасида талаб ва таклиф, баҳо шаклланади. Инновация фаолиятининг асосий ташкил этувчиси бўлиб инвестиция (маблағ) ва янгиликнинг киритилиши ҳисобланади. Янгилик бозорининг шаклланишига олиб келади. Инвестиция капитали бозори, янгиликни жорий этишни соф рақобат бозори шаклланади.

Бу уч компонент инновация фаолиятининг асосини ташкил этади.



1-расм. Инновация фаолияти соҳалари

Инновация кенг маънода янгиликлардан рентабеллик (фойдалилик) даражасини ошириш учун янги технологиясини қўллаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш ёки хизмат кўрсатиш, ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий қарорларни ишлаб чиқиш, тижорат, бошқариш ва бошқа соҳаларда қўлланишни тушунилади.

Янгилик тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлиши ва яратилиши ҳаётга тадбиқ этилиб кенг тарқалиши инновация ҳаёт даври деб аталади. Олиб бориладиган ишларнинг изчиллигини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилиши инновация жараёни деб аталади.

Инновация шаклининг турли-туманлиги инновация ҳаёт циклининг босқичларига ягона ёндашиш имконини бермайди. Инновация жараёнинг асосий босқичларини янгилаш унинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Янгиликлар бозори. Бозорнинг асосий товари илмий ва илмий-техника натижалари яъни интеллектуал фаолият маҳсулоти бўлиб, унга муаллифлик ва бошқа шунга ўхшаш (хизматлар) ҳуқуқлар берилади ва расмийлаштирилади. Расмийлаштиришда амалдаги қонунлар, федерал, корпоратив, бошқа қонунлар ва норматив хужжатлар асос қилиниб олинади.

Илм оламида илмий (илмий-тадқиқот), илмий-техник фаолияти ва экспериментал (тажриба-конструкторлик) ишлаб чиқариш йўналишлари мавжуд. Илмий (илмий-тадқиқот) қўллашга қаратилган. Жумладан, фундаментал илмий-тадқиқот ишлари, экспериментал ва назарий фаолият, жамият ва табиат ривожланишининг асосий қонуниятлари тўғрисида янги билимлар яратишга қаратилган бўлади.

Амалий-илмий ишлар-маълум, айнан илмий ишларни бажариш, яъни амалий аҳамиятга эга бўлган илмий ишларни бажаришга қаратилган бўлади.

Илмий-техника фаолияти технологик, инженерлик, иқтисодий ва

ижтимоий муаммоларни ечиш ва янги билимни яратиш, қўллаш ва кенг жорий этишга қаратилган бўлиб, илмни, техникани, ишлаб чиқаришни ягона тизим сифатида фаолият кўрсатишни таъминлашга қаратилган бўлади.

Экспериментал илмий ишлаб чиқариш доимий назарий-илмий иш олиб бориш натижасида янги материаллар, маҳсулотлар, ускуналар, янги технология яратиш ёки мавжудини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий фаолият ҳисобланади.

Инновация туркуми ва инновация жараёни 2-расмда берилган. Истеъмолчиларнинг янгиликка бўлган эҳтиёжи-инновация ҳам мавжуд бўлиб, у илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижаларининг қарийиб 70-75% ни ташкил этади.



**2-расм. Инновация соҳасида бозор капитали.**

Инновация соҳаси инноваторлар инвесторлар ракобатбардош товар ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар инфраструктура ривожидан ташкил топган бўлади.

Инновация фаолияти илмий, илмий-техник натижаларни ва интеллектуал салоҳиятни янги ёки амалда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ёки хизмат кўрсатиш учун фойдаланадиган йўналишдир.

Инновация жараёни кенгроқ тушиниш учун уни хар хил позицияда ва деталлаштириш даражасида қараш лозим.

Биринчидан, изчилик билан бирга илмий-тадқиқот, илмий техник, инновация ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингни амалга оширишдир.

Иккинчидан янгиликни вақтинчалик ҳаёт даври, яъни ғоянинг пайдо бўлиши, ҳаётга тадбиқ этилиши ва кенг тарқалиши сифатида қараш мумкин. Бундай шароитда у инновацион лойиҳа сифатида намоён бўлади, хусусий ҳолда эса хўжалик ҳаётига инвестиция лойиҳаларининг кенг жорий этилиши сифатида қаралади.

Инновацион жараён деганда умумий ҳолда ихтирони, янги технологияни, янги маҳсулотлар ёки хизматни, ишлаб чиқариш, молия, маъмурий характерга эга интеллектуал фаолият турини тижоратлаш жараёни тушинилади. Инновация жараёнининг тавсифнома ва асосий босқичлари 3-расмда берилган.

Бошланғич босқич			Бозор босқичи (ишлаб чиқаришга жорий этиш)				
Фундаментал тадқиқотлар	Амалий тадқиқотлар ва ишланмалар		Бозорга жорий этиш	Ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Маҳсулотни бозорда ўрин эгаллаши	Ташқи бозорларга интеграция	
1А Назарий ва экспериментал ишлар. Концепциялар ишлаб чиқиш, лойиҳаларни техник баҳолаш	1В Моделлаштириш, конструкторлик ишланмалар	1С Лаборатория синовлари, тажриба намуналарини тайёрлаш	ишлаб чиқаришга	2А Дастлабки ишлаб чиқариш синовлари, серия ишлаб чиқаришни бошланиши, маҳсулотни сертификатлаш	2В Реклама, истеъмолчиларни ўрганиш ва шакллантириш, сервис хизмати, ходимларни ўқитиш	2С Сотувни мавозанатлашуви, бозорни маҳсулот билан таъминлаш	3 Ташқи бозорга чиқиш, экспортни кенгайтириш
Билимлар	Билимлар, технологиялар, кашфётлар, патентлар			Маҳсулотлар, технологиялар	Маҳсулотлар, технологиялар	Маҳсулотлар, технологиялар	Маҳсулотлар, технологиялар
Инновацияларни тижоратлашуви							

3-расм. Инновация жараёнининг асосий босқичлари

Биринчи босқичда фундаментал тадқиқотлар олиб борилади. Тадқиқотлар академия институтлари, олий ўқув юртлари, ихтисос тармоқ институтлари, лабораторияларида олиб борилади. Молиялаштириш асосан қайтиб бермаслик шарти билан амалга оширилади.

Иккинчи босқичда амалий характерга эга бўлган илмий ишлар олиб борилади. Бу барча илмий тадқиқот институтларида олиб борилади ва давлат томонидан яъни бюджетидан (давлат илмий дастури ёки конкурс асосида) ҳамда буюртмачи томонидан амалга оширилади. Маълумки, асосий тадқиқотлар натижалари, ҳамма вақт ҳам олдиндан маълум бўлавермайди, шунинг учун бу йўсиндаги хавф-хатар даражаси анча юқори бўлиб, баъзида салбий натижа олиши мумкин ёки боши берк кўчага кириб ҳам қолиш мумкин. Айниқса, мана шу босқичда қўйилган капитал маблағнинг йўқотиш хавф-хатари эҳтимоли пайдо бўлади ва инвестиция ва инновация ўсиши хавф-хатарли ҳисобланади. Шунинг учун хавфли инвестиция деб аталади. Хавфли инвестиция билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари венчур инвестицияси деб аталади.

Учинчи босқичда тажриба конструкторлик ишлари ва экспериментал ишлаб чиқариш олиб борилади. Улар ихтисослашган лабораторияларда, конструкторлик бюроларида (КБ), ишлаб чиқариш тажриба участкаларида, йирик саноат корхоналаридаги илмий-тадқиқот бўлимларида олиб борилади.

Молиялаштириш айнан иккинчи босқичдаги каби давлат ва ташкилот шахсий маблағлари ҳисобига олиб борилади.

Тўртинчи босқичда–тижоратлашув жараёни давом этади, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот билан бозорга чиқиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий ҳаётий босқичлари бўйича иш жараёни давом этади.


Учинчи босқич бўсағасида ва бозорга чиқишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун реклама фаолияти учун катта инвестиция талаб қилинади.

Бу инновация босқичида янгиликка бозор реакцияси хали аниқланмаган бўлади ва хавф-хатар даражаси анча юқори бўлади. Шунинг учун инвестиция хавфли характерга эга бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш учун, маҳсулот рақобатбардошлик даражасини ошириш учун ва инвестиция харажатларини коплаш учун бу босқичда қиммат баҳо қоғозлар эмиссияси ўтказилади. Бу қўшимча инвестицияни жалб қилиш имконини беради, ундан оқилона фойдаланиш маҳсулот ёки хизмат рақобатбардошлилигини сақлаб қолади. Шу билан бирга инновация жараёни ниҳоясига етади.

Бозор талабини ўрганиш зарурлиги, янгиликлар яратиш ва ишлаб чиқаришнинг талабга эга бўлиб янги маҳсулотларга мослашиши инновацион жараённинг мустақил босқич сифатида юзага чиқарди.

Инновацион жараённинг босқичлардан иборатлиги ва бозорга мослашувчанлигини кўрсатувчи модель 4-расмда берилган.



**4-расм. Инновацион жараёнларнинг умумлашган модели**

Инновацион жараён, алоҳида босқичлар мажмуидан иборат бўлиб, технология, техник ғояни илмий ишлаб чиқиш, уни саноатда фойдаланиш даражасига олиб бориш, янги маҳсулотни олиш, уни тижоратлаштиришга ва умумий жараённинг самарадорлигини ҳамма босқичлар бир бутун ҳолда мужассамлашганлигига боғлиқ. Инновацион жараёнлар ишлаб чиқарувчиларнинг жами илмий-техника, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятига сингиб кетадиган жараён сифатида баҳоланиши керак ва у охири оқибат истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилиши, яъни бозорга йўналтирилган янгилик жорий этиш билан боғлиқ ҳамма босқичлари муҳим аҳамият касб этиши лозим. Инновацион жараённинг барча босқичлари ўзига хос меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув, молиялаш, кадрлар билан таъминлаш усулларини талаб қилади. Лекин, бозорда муваффақият қозониш учун ташкилотнинг турли бўлимларини бир бутун занжир ҳолатига келтириши керак.

Инновацион жараённи алоҳида босқичини такомиллаштириш умумий жараён натижасини ошишини таъминлаши мажбурий эмас. Агар қимматли фундаментал ғоялар янги технологик жараёнлар учун ишлатилмас экан, янги технологиялар эса жамият талабини қондирувчи товарга айланмас экан ёки маҳаллий соҳаларда ўзининг тор доирасида тадбиқ этилса, бу илмий-техника тараққиёт салоҳияти истеъмолчи талаби учун амалда тадбиқи бўлмайди. Алоҳида босқичда олинган натижалар ўзининг қимматини бошқа босқичларда йўқотади ва умумий жамият ишлаб чиқариш ривожига кам таъсир кўрсатади.

Кейинги иккинчи босқични-ўзлаштириш босқичи деб аташ мумкин. Унда янги маҳсулотлар танланади, синалади ва тажриба тарзида ўзлаштирилади. Корпорацияларнинг тасдиқлашича бу ишларнинг тижорат қиймати жуда ноаниқ, шунинг учун вақт ва маблағлар сарфи ўта

таваккаллидир. Йирик корпорациянинг бу даврида инновацияни қабул қилиши жуда ноаниқ ва паст. АҚШ фирмаларининг кузатишларига асосланиб, бу ғоялар бўйича тузилган лойиҳаларнинг тахминан 80% бекор қилинади. Қолган 20% янгиликларнинг тижорат қиммати ва амалга ошиш эҳтимоли ортади. Тажрибавий ўзлаштириш ва текширишлар давомида янгиликни амалга оширишни техник қийинчилиги ва керакли молиявий маблағ етишмаслиги сабабли ажратиб олинган 20% лойиҳанинг ҳар олтинчисини тадқиқоти тўхтатилади.


Учинчи босқич – янгиликни тарқатиш босқичи – бу харидорни қидириш ва бозордан ўз ўрнини топиш босқичи. У инновацион фирмалар сонини тез ортиши билан характерланади в ахали кенгаётган ҳамда тўйинмаган бозорга лидерлик қилишга интилади. Бу босқичнинг муҳим хусусияти «бозор – тадқиқот ва тадбиқ қилиш» қайта алоқасини шакллантириш ва кучайтириш бўлиб, у бозорни инновацион жараёнларининг кучли катализатори ролини ижро этишга мажбур қилади.

ИТТКИ (Илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари) натижалари истеъмолчиларга тақдим этиш мумкин бўлган янги маҳсулотнинг модификацияларини бозорда пайдо бўлишига олиб келади.

Тўртинчи босқич-янгилик киритишнинг етилган босқичи-бозор талаби етарлича аниқланади, ишлаб чиқариш оммавий бўлиб, инновацион маҳсулотнинг принципиал модификацияларининг имкониятлари кескин чекланади. Бу босқичда майда фирмалар стратегияси ҳукмрон бўлиб, инновацияни яхшилайти. Бу инновация реализацияси натижасида маҳсулот принципиал бўлмаган ўзгаришларга дучор бўлиб, асосий хусусиятлари ўзгармайди. ИТТКИнинг асосий мақсади, бу босқичда олиб борган ишлаб чиқаришни рационаллаштириш ва чиқимларни камайитириш, ҳамда маҳсулотни индивидуал истеъмолчилар талабини қондириш учун

дифференциаллашдир. Шундай қилиб, инновацион жараён аниқ намоён бўлган тор доирадаги маркетинг ҳаракатини ўзлаштиради.

Ўз навбатида технопаркни тузишдан мақсад нафақат чуқур илм талаб қиладиган янги кичик корхоналар ҳосил қилиш, балки энг асосийси, бу корхоналарга шундай шароит яратиладики, улар бу жараёнлар орқали ИТТКИ ўтказишдан тортиб то бозорга маҳсулотни олиб чиққунгача ўз фаолиятларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳамма босқичлардан оз маблағ сарфи ва қисқа вақт ичида босиб ўтади (5-расм).




**5-расм. Инновацияни ҳаракатланиш йўли**

5-расмда бутун инновацион ҳаракат-илмий ғоя босқичидан бозоргача бўлган йўли кўрсатилган. технологияни тижоратлаш нафақат инфратузилманинг ҳар бир қисмининг мос функцияларини маромида бажариш, балки уларнинг координациялари, яъни ўзаро алоқаларини ҳам юқори савияда бажариши керак.

Шуни назарда тутиш керакки, агар жойларда илмий-техника фаолияти учун, айниқса ИТТКИни ўтказиш учун бюджет молиявий базаси қаттиқ

чекланган бўлса, ишларни мувофиқлаштирувчи орган Кенгаш ёки марказ бўлгани маъқул, инновацион фаолият учун эса рақобат ва мусобақани таъминловчи уни амалга ошириш учун имконият ва хизматларни таклиф қилишни мувофиқлаштирувчи шакллар билан бирга, инфратузилманинг кўплаб ташкилий унсурлари зарур (6-расм).



**6-расм. Технологияни тижоратлаш жараёни қатнашчилари**

Илмий техника тараққиётининг объектив ҳаракати, тузилишдаги ўзгаришлар бозор иқтисодиётида нафақат фан ва ишлаб чиқаришни яқинлашувини талаб қилади, балки кашфиётларни ва ихтироларни меъёрига

етказиш ва тадбиқ қилиш ҳар қандай янгиликларни таваккал, қалтис лекин келажаги бор кичик ва янги компаниялар томонидан қилинаётган илмий-техника тадқиқотларини молиялаш ва кредитлаш дастакларини яратишни ҳам талаб қилади. Ананавий капиталлар ссудаси бозорлари, яъни банклар ва кредит муассасалари, одатда, минимал кредит таваккаллиги йўналганлиги учун янги компанияларнинг кредит олишга ҳаракати чекланган бўлади (мавжуд фирмаларнинг даромад олиш нуқтаи назаридан эҳтимоли кам бўлган лойиҳалари). Қимматбаҳо қоғозлар бозорига мурожат қилиш эса амалда имкониятсиз ҳолдир, компаниялар фаолияти даврига қаттиқ талаблар (3-5 йил), унинг активлари миқдори, эмиссия минимал бўлиши, акция чиқариш процедуралари (унинг нархининг юқорилиги) фаолият кўрсатаётган кичик ва янги компанияларни фонд бозорларига чиқишига тўсқинлик қилади. Шу ва бошқа сабаблар кичик изланувчи ва жорий қилувчи фирмаларнинг фаолиятини венчур (таваккал) капитал томонидан молиялашга-янгича молиялаш усулларини пайдо бўлишига олиб келди.

## **1.2. Инновация фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши**

Мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий инновация йўналишига ўтиши ишлаб чиқаришни техник ва технологик салоҳиятини ошириш, янги замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, юқори кўшимча қиймат яратувчи илмталаб ишланмаларни яратиш тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Ушбу жараёнларни самарали амалга оширишда давлатнинг тартибга солиш сиёсатининг ахамияти беқиёс, чунки макродаражада амалга оширилган инновация фаолияти ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини кўтаришга, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, мазкур лойиҳалар, инновацион тавсифга эга аниқ режа ва дастурлар, буюртма ва шартномалар мувофиқ равишда тартибга солиб борилади. Турли

инновация жараёнларини тартибга солиш негизида илм-фан ва таълим тизими, илмий-техник ишланмалар, инновацион фаолият, ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси, илмталаб тармоқлар, янги дастур ва лойиҳалар, янгича ғояларга асосланган тадбирларни ривожлантириш каби биринчи даражали вазифалардан иборат.

Инновацион жараёнларни тартибга солиш мақсад ва вазифалари илмий-техник сиёсатнинг устувор йўналишлари, шунингдек ижтимоий-хўжалик муҳити хусусиятларига аниқлик киритишга боғлиқ равишда ўзгариши ҳам мумкин.

Инновацион сиёсат деганда, айниқса илмий-техник соҳаларда, мувофиқ янгиликларни жорий этиш орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва экологик тавсифга эга тадбирлар тизими тушунилади.

Инновацион сиёсат янги илмий, ишлаб чиқариш-хўжалик, технологик тузилмаларни шакллантиришга оид муаммоларни ҳал этишга, мавжуд илмий-техник, хом ашё ва меҳнат қудратидан самарали фойдаланиш, ички бозор эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Инновацион сиёсатни амалга ошириш чора-тадбирлари самарали институционал тузилмаларни яратиш, инновацияларни амалга оширишга инвестиция жамғармалари, тижорат банклари каби инвесторларни жалб этиш орқали мамлакат учун ўта муҳим ишлаб чиқариш тармоқларининг рақобатбардошлик салоҳиятини ошириш бўйича лойиҳалардан; инновацион фаолиятни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш тартибини шакллантиришдан иборат.

Шунингдек, инновацион сиёсат мамлакат иқтисодий сиёсатининг бир қисми ҳисобланади ва у хўжалик юретишнинг барча институционал шаклларининг илмий-ишлаб чиқариш интеграцияси учун мақбул

шароитларни яратишга ёрдам беради. У кўп томонлама бюджетнинг даромад қисмини шакллантирувчи, катта миқдордаги меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга тортиш натижасида ижтимоий барқарорликни бевосита таъминлаб берувчи корхоналар муҳим ўрин эгаллайдиган ишлаб чиқариш-хўжалик тузилмаси билан белгиланади. Инновацион фаолият инновацион соҳанинг барча элементлари ҳаракатларининг уйғунлиги ва мувофиқлигини ва инновацион сиёсатнинг ўтказилишини, унинг алоҳида элементларининг мамлакат тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишлари билан ўзаро алоқасини таъминлаб берадиган муҳим тамойиллари орқали амалга оширилади.

Модомики, давлатнинг инновацияларни тартибга солиш вазифаси умуман жамиятнинг давлат томонидан тартибга солинишининг таркибий қисми экан, у таъсир кўрсатишнинг ўз объекти ва субъектларига эга бўлади. Давлат томонидан инновацион жараёнларни тартибга солиш объектлари қаторига фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасига оид муайян дастурларни, илмий-техник лойиҳаларни, тармоқ ва ҳудудий буюртмаларни, илмий ва илмий-ишлаб чиқариш фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширилишини киритиш мақсадга мувофиқдир. Субъектлар инновацион жараёнларнинг иштирокчилари, инновацион дастур ва буюртмаларни бажарувчилардан иборат. Умуман олганда, инновацияларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлатнинг ролини қуйидаги жиҳатлар орқали ифодалаш мумкин:

- давлат илм-фанни, шу жумладан амалий илм соҳасини ривожлантириш ва илмий ва муҳандис кадрларни (инновацион ғояларнинг асосий манбаи) тайёрлашга ёрдам беради;

- жуда кўп ҳукумат идоралари доирасида бизнеснинг инновацион фаоллигини оширишга йўналтирилган турли-туман дастурлар мавжуд;

- давлат буюртмалари, кўпроқ ИТТКИ ўтказишга шартномалар кўринишидаги буюртмалар, жуда кўплаб янгиликлар учун дастлабки талабни таъминлаб беради, шундан сўнг у мамлакат иқтисодиётида кенг қўлланилади;

- давлат томонидан татибга солишнинг фискал ва бошқа элементлари ташқи муҳитнинг рағбатлантирувчи таъсирини юзага келтиради (улар алоҳида фирмаларнинг инновацион ечимларининг самарадорлиги ва заруриятини таъминлайди);

- давлат академик ва амалий илм-фан ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш ишларида воситачи вазифасини бажаради, саноат компаниялари ва университетларнинг ИТТКИ соҳасидаги кооперациялашувини жадаллаштиради.

Инновацион фаолиятни тартибга солиш мазкур соҳани ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг асосий механизмлари орқали амалга оширилади. В.А.Колоколовнинг фикрича, инновацион механизм – бу инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий шакли, инновацион ечимларни излаш, шунингдек ушбу соҳани рағбатлантириш ва тартибга солиш механизmidир<sup>2</sup>.

Инновацион механизмлар уч асосий даражада мавжуд: макродаража (мамлакат, давлат, жамият), мезодаража (минтақа, ҳудудий тузилмалар, тармоқлар), микродаража (корхона, хўжалик тузилмалари, фирмалар). Мамлакат даражасида учта муҳим вазифа ҳал этилади: давлат инновацион стратегияси шакллантирилади; умуман иқтисодиёт учун мақбул инновацион муҳит яратилади; давлат инновацион дастурлари амалга оширилади.

Мазкур инновацион механизмлар инновацион стратегияларни таъминлаш, инновацион афзалликларни белгилаб олиш, тадбиркорлик

---

<sup>2</sup> Колоколов В.А. Инновационные механизмы функционирования предпринимательских структур // Менеджмент в России и зарубежом. № 3. 2002. С. 5 — 7.

ташаббусларини рағбатлантириш вазифасини бажаради. Асосий инновацион механизмларни кўриб чиқамиз:

1) ташкиллаштириш механизми. Инновацион жараёнларни амалга оширувчи тузилмаларни шакллантириш ва қайта тузиш;

2) инновацион ечимларни излаш механизми. Янги ғоялар, техник ечимлар, янги ишланмалар яратиш;

3) ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизми. Ғояларни инновация бўлиш кучига эга тугал техник ечимларгача етказиш. Интеллектуал (ақлий), моддий ва молиявий ресурслар мажмуи, уларнинг самарали уйғунлашуви;

4) молиялаштириш ва рағбатлантириш механизми. Кредитлаш, хусусий капитални шакллантириш, ИТТКИ учун харажатларни, оптимал солиқ миқдорларини шакллантириш;

5) технологик трансфер механизми;

6) интеллектуал мулк механизми.

Инновациялар соҳасида давлатнинг таъсир кўрсатиш чораларини бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвоситага ажратиш мумкин. Уларнинг нисбати мамлакатдаги иқтисодий вазият ва бу билан боғлиқ равишда танланган давлатнинг тартибга солиш концепцияси – бозорга эътибор ёки марказлашган таъсир билан белгиланади. Одатда, иқтисодий таназзул даврида давлат иқтисодий сиёсатига “кейнсчиларча” ёндашув устувор бўлиб, бунда давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига ҳаддан зиёд фаол аралашуви назарда тутилади; иқтисодиётнинг ўсиш даврида консерватизм фалсафаси, яъни бозор муносабатлари механизмларини афзал кўрувчи фалсафа устун бўлади.

Давлат инновацион сиёсатида фойдаланиладиган билвосита методлар, бир томондан, айнан инновацион жараёнларни рағбатлантиришга қаратиладиган бўлса, бошқа тарафдан эса – новаторлик фаолияти учун

иҷобий умумхўжалик ва иҷтимоий-сиёсий муҳит яратишга йўналтирилади. Умуман олганда, билвосита методларнинг афзалликларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1) хусусий секторнинг ва унинг ишланма ва тадқиқотлар йўналишлари танловини, уларни амалга ошириш учун иқтисодий масъулиятининг мустақиллигини таъминлайди;

2) давлат томонидан сунъий қўллаб-қувватланадиган, ҳар доим ҳам самарали бўла олмайдиган инновациялар ва билимлар бозорини яратмайди;

3) билвосита методларни амалга ошириш бевосита методларга нисбатан инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг расмий тўсиқлари билан нисбатан камроқ қамралган;

4) компаниялар томонидан олинадиган имтиёзлар уларнинг шахсий интилишлари натижаси ҳисобланади;

5) иқтисодиётнинг турли секторларида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга ягона ёндашувни таъминлаб беради.

Инновацион жараёнлар янада кўпроқ фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Умуман тадбиркорликка, хусусан инновацион тадбиркорликка мойиллик фойдага солиқ солиш даражаси билан тартибга солиб турилади. Давлат томонидан ушбу тартибга солиш воситасининг муҳимлиги деярли барча саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда тан олинади ва уларнинг ҳар бири фойдани солиққа тортишнинг ўз оптимал моделини топишга интилади.

Юқорида кўриб чиқилган ривожланган индустриал мамлакатларнинг янги технологияларни ўзлаштириш соҳасида, фан сиғими юқори (илм талаб) технологияларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш бўйича муваффақиятли тажрибаси инновацион соҳада ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий тамойилларини белгилаб олишга

имкон беради. В.Фридляновнинг фикрича, жаҳон тажрибасида инновацион инфратузилмани ривожлантириш стратегиясининг учта муҳим тури фарқланади:

- “ошириш стратегияси” хорижий тажрибани жалб этган ҳолда, шахсий илмий-техник ва ишлаб чиқариш-технологик қудратлардан фойдаланишга асосланади. Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида илмий фаолият натижаларидан оқилона фойдаланганда янги рақобатбардош маҳсулотларни чиқариш аста-секин кўпайиб боради, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада қўлланиладиган юқори технологиялар ишлаб беради;

- “ўзлаштириш стратегияси” шундан иборатки, бунда ўз мамлакатининг инновацион салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган фан сиғими юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштириб борилади. Сўнгра илмий-техник ва саноат салоҳияти асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўсиб боради, натижада эса инновацион маҳсулотни яратишдан бошлаб реализация қилишгача бўлган – бутун инновацион цикл бўйича ишларни мустақил олиб бориш имконияти юзага келади;

- “кўчириш стратегияси” хорижий илмий-техник ва ишлаб чиқариш-технологик ютуқлардан мамлакат иқтисодиётида фойдаланишдан иборат бўлиб, у хорижда талаб катта бўлган янги авлод маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун энг янги, юқори самарадор технологияларга лицензияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Келгусида мамлакатда шахсий илмий-техник ва саноат қудратлари юзага кела бошлайди, фундаментал тадқиқотлар ва ишланмалардан бошлаб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишгача ўз ичига олган тўлиқ циклни тиклаш имкони таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида инновацион жараёнларни билвосита тартибга солиш инвестиция оқимларини, инновацион фаолиятни, тармоқларни ривожлантиришни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш бўйича устувор йўналишларини аниқлашни, мақбул инвестиция муҳитини яратишни тартибга солиб турувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро боғлаб турувчи механизмлар орқали амалга оширилади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Содиқ Кодекси бўлиб, унда грант яратувчи ташкилотлар даромадини солиқдан озод қилиш кўзда тутилади; корхоналардан илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш учун нотижорат корхоналарига маблағ ўтказиш; асосий воситалар учун жадаллаштирилган амортизация, илмий ташкилотларни фойда солиғидан озод қилиш масалалари кўрилган; “Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти тўғриси”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида инновацион фаолият инфратузилмасини яратиш ва ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади; Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида давлат инновацион сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизмлари белгилаб берилган; инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадларида маблағлар инвестициялаш учун мақбул шароитларни яратиб берувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадларида республикада мамлакатда фан ва техникани ривожлантиришга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган фондлар ташкил этилган. Бундай фондлар қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Тараққиёт ва ривожланиш фонди...., унинг мақсади илмий-техник ва инновацион салоҳиятни сақлаш ва ривожлантиришни таъминлаб берадиган шароитларни яратишдан иборат (мамлакатнинг технологик базасини такомиллаштиришга

ва муҳим ижтимоий вазифаларнинг ечимини топишга йўналтирилган амалий ИТИни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади); Илмий-техник соҳада фаолият юритувчи кичик корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фонди (фан-техника соҳасидаги кичик корхоналарни ривожлантиришга ёрдам беради, фан сиғими юқори кичик фирмаларни яратишни қўллаб-қувватлайди ва молиявий ёрдам кўрсатади ва ҳ.к.)

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг бевосита методларига ИТИ соҳасидаги саноат кооперацияларини, ишлаб чиқаришга эга университетларни рағбатлантирувчи тадбирлар тааллуқли. Ушбу метод бир томондан, илғор илмий ғояларни уларни тижорат реализациясигача етказишнинг объектив зарурлигини назарда тутса, бошқа тарафдан – саноат корхоналарининг академик тадқиқотларни молиялаштиришдан манфаатдор бўлишлари учун шароитлар яратишни кўзда тутаяди. Бу жиҳатдан инновациялар соҳасидаги давлат сиёсати унинг истиқболли йўналишларида, биринчи навбатда, саноат ва тижорат вазифаларни ҳал қилиб берувчи саноат ишланмаларининг илмий янгилигидан манфаатдорлигида ўз ифодасини топади. Рағбатлантиришнинг ушбу тури айниқса, катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга юқори рискли лойиҳаларни амалга оширишда анча самарадор. Шу билан бир қаторда, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг мазкур тури аниқ бир лойиҳага қаратилган бўлиб, уни жорий этишдан бошлаб тижоратлаштириш босқичигача етказиш мўлжалланади ва бунда уни амалга оширишнинг ҳар бир босқичидаги бажарувчиларни танлаш ҳам эътиборга олинади.

Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита методлари мажмуини икки гуруҳга ажратиш мумкин: маъмурий-расмий ва дастурий-мақсадли. Маъмурий-расмий турдаги методлар инновацияларни бевосита қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинадиган

махсус қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган тўғридан-тўғри молиялаштириш кўринишида намоён бўлади. Масалан, АҚШда 1980 йилда “Технологик янгиликлар тўғрисида” Стивенсон-Вайдлер қонуни қабул қилинган<sup>3</sup>. Унда саноат инновацияларини кучайтириш бўйича бир қатор чоралар: уларни ўрганиш ва жадаллаштириш учун ижрочи ҳокимият аппарати доирасида махсус ташкилотлар тузиш; университетлар, саноат ва федерал лабораториялар ўртасида илмий ва техник ходимларнинг алмашинувига ёрдам кўрсатиш; фан ва техника ривожига катта ҳисса қўшаётган жисмоний шахслар ва корпорацияларни рағбатлантириш кўзда тутилади.

Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг дастурий-мақсадли услубида инновацион жараёнларни янгиликларни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурлари орқали аниқ молиялаштириш назарда тутилади, шу жумладан фан сиғими юқори кичик фирмаларда ҳам; у ёки бу товар ва хизматларни сотиб олиш учун давлат шартномалари тизими яратилади, фирмаларга янгиликларни амалга ошириш учун кредит имтиёзлари тақдим этилади ва ҳ.к. Жаҳон амалиётида дастурларни бошқариш механизмларини шакллантиришга турлича ёндашувлар маълум.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари:

- инновацион фаолият, уни жадаллаштириш механизмлари, институционал ўзгаришлар тизимлари, инновацион соҳадаги интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни хўжалик айланмасига жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий сиёсатини ишлаб чиқиш ва мукамаллаштириш;
- инновацион фаолиятни комплекс қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;
- фан сиғими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошлигини ва экспортини ошириш;

---

<sup>3</sup> Бетехтина Е. Мировая практика формирования научно-технической политики. Кишинев, 2000г.

- ахборот таъминоти тизими, экспертиза тизими, молиявий-иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш-технологик ёрдам, сертификация ва ишланмаларни ҳаракатлантириш тизими, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими билан биргаликда инновацион жараёнлар инфратузилмасини ривожлантириш;

- юқори технологик кичик ташкилотлар тузиш ва уларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун ижобий шароитлар яратиш ва фаолиятининг давстлабки босқичларида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш йўли билан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш;


- инновацион лойиҳа ва дастурларни конкурс тизими асоси танлаб олишни янада мукамаллаштириш. Иқтисодиёт тармоқларида нисбатан катта бўлмаган ва ўзини тез қоплайдиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва бунинг учун хусусий инвесторларни жалб этиш ва давлат томонидан ёрдам кўрсатиш нисбатан истиқболли ишлаб чиқариш ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларга хусусий инвестицияларнинг келишини кучайтиришга ёрдам беради;

- муҳим тармоқлар ва ишлаб чиқаришларда давлат инновацион сиёсати жаҳон аҳамиятига эга маҳаллий ва хорижий илмий-техник ва технологик ютуқларни ўзлаштиришни жадаллаштириш, табиий ресурслар такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши керак.

### **1.3. Инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш йўналишлари**

Ҳар хил инвестиция лойиҳаларини (ёки лойиҳа вариантларини) таққослаш ва уларнинг орасидан энг маъқул бўлган вариантни танлаш ҳар-хил кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Буларга соф дисконтлашган даромад (СДД) ёки интеграл самара; даромад индекси (ДИ) ички даромад меъёрий (ИДМ) қоплаш муддати ва бошқа кўрсаткичлар, яъни иштирокчилар манфаатини ёки лойиҳанинг хос хусусиятини акс эттирувчи

кўрсаткичлар киради (7-расм).



**7-расм. Инновация лойихасини реализация қилиш учун усулларни танлаш**

Қоплаш муддати – минимал вақт интервали (лойихани амалга ошириш бошланишидан) чегарасида интеграл самарага эришилса ва у келажакда ижобий бўлса. Бошқача айтганда, бу давр (ой, квартал, йил бўлиши мумкин) инвестиция лойихаси билан боғлиқ дастлабки капитал ва бошқа харажатлар суммаси натижаси билан лойихани амалга оширишни қопласа.

Юқорида кўриб чиққан усуллардан ташқари лойиха самарасини аниқлашнинг бошқа усуллари мавжуд. Қуйида биз ана шулардан 2 тасига атрафлича тўхталиб ўтамиз.

Критериялар рўйхати асосида инвестиция лойихасини танлаш қуйидагилардан иборат: Ҳар бир қабул қилинган критерияга мос равишда лойиха кўриб чиқилади ва лойихага баҳо берилади. Усул лойиханинг афзаллиги ва камчилигини кўришга ёрдам беради ва қабул қилинган критерияларнинг бирортаси эътибордан четда қолмайди. Агар лойихани дастлабки баҳолаш қийин бўлса ҳам критерия инвестицион лойихаларга баҳо

бериш учун танланган критерия, ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари тармоқ ва унинг танланган стратегик йўналишини ҳисобга олган ҳолда ҳархил бўлиши мумкин. Шунинг учун критериялар рўйхатини аниқлашда ташкилот мақсади, стратегияси, вазифаси, йўналиши ва истиқболдаги режасидан келиб чиққан ҳолда танлаш мақсадга мувофиқдир. Лойиха бир мақсад, стратегия ва вазифа нуқтаи назаридан ўхшаш баҳоланиши мумкин.

Агар критерия рўйхатлари бўйича лойиха тахмини натижаларини расмийлаштириш зарурияти туғилса (бу ўхшаш бўлмаган лойихалар сони кўп сонли бўлганда зарур) лойихани баллаш баҳоси қўлланилади. Баллаш баҳоси усули қуйдагича бўлади: лойиха натижасига таъсир этувчи муҳим омиллар аниқланади (критерия рўйхати аниқланади). Критериялар муҳимлигига қараб қабул қилинади. Бунга эришиш учун раҳбардан сўраш орқали ва унга барча гуруҳ критерияларни 100 пунктга тақсимлаб уни бир деб қабул қилинади ва ҳар бири нисбий муҳимлигига мос равишда баҳоланади.

Ҳар бир критерия бўйича лойихага сифат баҳосини («жуда яхши», «яхши» ва «ўрта» баҳо) бериш орқали миқдорий ифодаланади. Буни эксперимент йўли билан атрофлича ўрганиб, ёзиб кейин критерия таркибининг миқдори ифодаланади. Бунга аҳамият жиҳатдан бирга тақсимлаш шарт эмас.

Агар лойихани баллаш баҳосининг асосий схемасига статистик (тасодифий) элемент киритилган бўлса, эксперт вазифасини янгилаш мумкин. Гап шундаки, лойиханинг у ёки бу параметрига аниқлик нуқтаи назаридан яхшими ёки қониқтирадимидеган саволга жавоб бериш жуда қийин. Чунки маълум эҳтимоллик бўйича лойиханинг кўпгина критериялари ҳам яхши, ҳам ёмон натижалар бериши мумкин. Айнан мана шу жараён стохостик тизимнинг балл асосида баҳоланишда ҳисобга олинади. Критерия

бўйича лойиха экспериментини баҳолашда эҳтимолликни жуда яхши, яхши ва ўрта баҳолаш мумкин. Бу ўз навбатида лойиха билан боғлиқ хавф-хатарни ҳисобга олиш имконини беради.

Илмий-техника базасининг самарадорлиги. 5 функцияни бирлаштиради. Инженерлик ишлаб чиқариш ва илмий-амалий тадқиқотни фирма афзаллигини кучайтиришга қаратилган янги имкониятларни, жумладан фундаментал тадқиқотларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яхшилашга ва унга ҳаётий циклини сақлаб қолишга, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, сифатни назорат қилиш ва бошқалар; сотишни қўллаб-қувватлаш ва миқозга хизмат кўрсатишни яхшилаш;

Хомашё базаларининг мол келиши (чиқиндилардан фойдаланиш, бир неча таъминотчилар билан шартнома тузиш, яъни узоқ муддатга мўлжалланган шартнома асосида иш олиб бориш). Хомашё билан таъминлаш кафолатланган ёки суғурта қилинган бўлса, 10 балл берилади.



## **8-расм. Инновация классификацияси ва унинг жараёни**

Ноаниқлик ёки лойихани реализация шартлари бўйича аниқ бўлмаган ахборотлар жумладан бу билан боғлиқ бўлган харажат ва натижалар. Ноаниқлик лойихани реализация қилишда келиб чиқиши мумкин бўлган вазият ва оқибатларни биз хавф-хатар тушунчасига киритамиз.

Лойихани баҳолашда энг муҳими - инвестиция хавф-хатари ва ноаниқлик турларидир. Мазкур хатарларга қуйидагилар киради:

1. Иқтисодий қонунлар, жорий иқтисодий вазият, инвестиция шартлари ва фойдадан фойдаланиш билан боғлиқ, бўлган хавф-хатар;

2. Ташқи иқтисодий хавф-хатарлар (чегаранинг ёпилиши савдо ва етказиб бериш бўйича чекланишларни жорий қилиш бож тўловларидаги ўзгаришлар ва бошқалар);

3. Сиёсий вазиятнинг ноаниқлиги (социал-иқтисодий ўзгаришларнинг мамлакатда ва минтақада ўзгариши);

4. Техник - иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида ноаниқлик ёки тўла бўлмаган маълумотлар, янги техника ва технология параметрлари;

5. Бозор конъюктурасининг тебраниши, баҳо, валюта курси ва бошқалар;

6. Бахтсиз ходисалар имконияти, табиий иқлимий шарт-шароитлар ноаниқлиги.

Ишлаб чиқариш технологик хавф-хатари (авария, ускуналарнинг бузилиши, ишлаб чиқаришдаги браклар ва бошқалар).

## **II Боб. иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновация фаолитини ташкил этиш ва бошқариш таҳлили**

### **2.1. Инновацион фаолиятни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари таҳлили**

Мамлакатни инновацион ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳар хил моделларининг юзага келишига ўша мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ва миллий-маданий анъаналари сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда инновацион ривожланишнинг тўрт типдаги модели фарқланади<sup>4</sup>:

– Ўз устувор йўналишларини илм-фанни ривожлантиришга, илмий-ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини қамраб оладиган йирик миқёсли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қаратган, одатда, илмий-инновацион салоҳиятининг бир қисми мудофаа секторида банд бўлган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

– Янгиликларни кенг тарзда оммалаштириш, мақбул инновацион муҳит яратиш, иқтисодийнинг барча тузилмаларини рационализация қилишга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

– Янги ютуқларни инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш йўли билан рағбатлантирувчи, жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқларига мойилликни ҳамда фан ва технологиялар соҳасига оид турли тармоқлар фаолиятида мувофиқликни таъминлашга ҳаракат қилувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея);

– Инновацион омил ёрдамида ривожланган индустриал муҳитни яратишга йўналтирилган мамлакатлар. Мамлакатларнинг бу гуруҳида жаҳон

---

<sup>4</sup> Иванов В.В. Национальная инновационная система как институциональная основа экономики индустриального общества // Инновации. – СПб., 2004. - №5. // <http://www.mag.innov.ru>.

илмий-техник тараққиёти ютуқларини ва ижтимоий-иқтисодий соҳага оид янгиликларни ўзлаштиришга имкон берувчи шароитларни яратиш асосида иқтисодиётни модернизация қилиш ишлари амалга оширилади (Хитой, Ҳиндистон).

Ушбу мамлакатларнинг барчаси ривожланган ижтимоий-иқтисодий муҳит яратиш йўлидан бормоқдалар, сабаби фақат шу асосидагина инновацион муҳит қарор топиши мумкин.

Иқтисодиётда инновацион тараққиётни жадаллаштириш ва уни янада такомиллаштириш турли усуллар орқали амалга оширилади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Дунё бўйича давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлили<sup>5</sup>

Инновацион сиёсат йўналишлари	Ўзига хос жиҳатлари	Мамлакатлар
Миллий инновацион тизимлар таркибини оптималлаштириш	Инновациялар соҳасида бошқарув ва режалаштириш давлат тизимини оптималлаштириш	Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Чили
	Фан ва инновацион соҳаларни давлат томонидан молиялаштирилишини оптималлаштириш	АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция, Тайвань, Австралия
	Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш	Буюк Британия, Швеция, Словения
Мамлакат ичида фан (университетлар) ва бизнеснинг инновацион кооперациялашувини қўллаб-қувватлаш	Университетлар ва корпорацияларнинг симметрик яқинлашувини кучайтириш	АҚШ, Финляндия
	Инновациялар соҳасига давлат томонидан йирик маблағлар ажратиш ва миллий хусусий капитални жалб этиш	Исроил, Финляндия
	Инновациялар соҳасида хорижий капиталларни жалб этиш орқали хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш	Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Малайзия, Индия, Исроил
	Илмий секторнинг инновацион ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш	Германия, Япония, Янги Зеландия, Дания
Халқаро инновация	Комплекс интеграция	Финляндия, Исроил,

<sup>5</sup> Зверев А.В. Формирование национальной инновационной системы: мировой опыт и российские перспективы // Диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством (макрэкономика); (управление инновациями и инвестиционной деятельностью)» М.: 2009г.

тармоғига интеграциялашиш		Нидерландия, Корея, Япония
	Технологик ихтисослашув	Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон
Ички инновацион тармоқларни ривожлантириш	Инновациялар соҳасида алоқалар ўрнатиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш	АҚШ, Норвегия, Ирландия
	Маҳаллий минтақалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш	Франция, Германия, Финляндия
Миллий инновацион тизим яратиш	Давлат фан соҳаларини қайта қуриш	Болгария, Польша, Литва
	Фан ва таълим интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш	Латвия, Эстония, Чехия
	Кичик ва ўрта бизнесни инновацион соҳага жалб этиш	Руминия, Чехия, Словакия, Латвия, Эстония, Туркия, Чили
	Юқори технологиялар соҳасига оид экспортнинг устувор йўналишларни белгилаб олиш	Чехия, Руминия, Чили, Туркия

Ривожланган мамлакатларда инновацияларнинг таркибий қисмлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига узвий боғланиб кетган. Ўзгача айтадиган бўлсак, инновацион тараққиёт – бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги усулидир. Иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш деганда, инновацион омилларни ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш тушунилади. Илмий-техник ривожланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тизими инновацион жараёнларни рағбатлантиришнинг ўзига хос усул ва йўналишлари билан тўлдирилган, иқтисодиётни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш усуллари ва тадбирлари мажмуини ташкил этади. Масалан, Японияда таъсир кўрсатишнинг анъанавий иқтисодий ва маъмурий усулларида ташқари яна бир қатор усул ва воситалардан, масалан, экспортни имтиёзли кредитлаш ва суғурта қилиш, экспорт қилувчиларни турли тўловлардан қисман озод этиш, тўғридан-тўғри субсидиялаш, экспорт қилувчиларга давлат томонидан комплекс ёрдам кўрсатиш, уларнинг

ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқа шу кабилардан фойдаланилади.

Инновацияларни давлат томонидан тартибга солишнинг дастурий-мақсадли усулида давлатнинг янгиликларни қўллаб-қувватлаш мақсадли дастурлари орқали, хусусан фан сиғими юқори бўлган кичик фирмаларда ҳам инновацияларни аниқ молия билан таъминлаш назарда тутилади; у ёки бу товар ва хизматларни сотиб олиш учун давлат шартномалари тизими яратилади, фирмаларга янгиликларни амалга ошириш учун кредит имтиёзлари тақдим этилади ва ҳ.к. Жаҳон амалиётида минтақавий дастурларни бошқариш механизмларини яратишга турли ёндашувлар маълум.

Инновацион лойиҳаларни шартнома асосида улушли молиялаштириш ҳозирги вақтда шартнома муносабатлари тизимининг кенг тарқалган элементларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолатда давлат ИТИ буюртмачи-истеъмолчиси, ИТИ ижрочи фирмаси пудратчи ролини бажаради. АҚШда илмий тадқиқотлар учун федерал харажатларнинг асосий қисми айнан мана шу тарзда молия билан таъминланади.

Консорциумлар, муҳандислик марказлари, илмий ва технологик парклар яратилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишлари саноати ривожланган мамлакатларда, асосан, турли ҳукумат идоралари томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар кўринишида амалга оширилади. Давлат томонидан фан ва саноатнинг кооперациялашувига ёрдам кўрсатиладиган мамлакатларга Японияни мисол қилиш мумкин. Мана шу мақсадда Япония ташқи савдо ва ахборотлар вазирлиги томонидан минтақавий ривожланиш корпорацияси ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади илмий марказлар тармоғини яратиш бўлган. Ўз навбатида, ушбу корпорация махсус қурилиш компанияларини тузиб, уларда таъсисчилардан бири сифатида қатнашади.

Буюк Британияда саноат фирмалари ва тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Бундай дастурлардан бири – “Келажак башорати” дастури бўлиб, унда истиқболли бозорлар ва технологиялар, шунингдек мамлакат рақобатбардошлигини сақлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олиш кўзда тутилган.

Жаҳон амалиётида инновацион жараёнларни тартибга солишнинг билвосита усулларида ҳам кенг фойдаланилади, уларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: солиқ имтиёзлари; имтиёзли кредитлаш; солиққа тортиш муддатини кечиктириш; давлат илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлирини лицензиялаш жараёнлари учун молиявий кўмак. Солиқ имтиёзлари дунё бўйича энг кенг тарқалган билвосита тартибга солиш усулларида бири ҳисобланади. Инновацион фаолиятни билвосита тартибга солишнинг энг муҳим воситаларида бири солиқ кредитидир. Масалан, Австрияда 2005 йилдан бошлаб фан ва технологияларни ривожлантириш учун инвестиция ажратадиган компаниялар, гарчи ўзлари ишланмалар ва тадқиқотларни ўтказмасалар-да, тадқиқот ва ишланмалар учун харажатларнинг 25% миқдорида мукофот оладилар, бироқ мазкур мукофот ҳажми бир йилда 100 минг евродан ошмайди. Канадада “илмий” харажатлар учун солиқ кредити ҳажмида дастлабки 2 млн. канада доллари учун 35%ни ташкил этади<sup>6</sup>. Солиққа тортиш муддатини кечиктириш усули ихтирочиликка оид ишларни ўтказишга ва бунинг учун керакли жиҳозларни харид қилишга маблағлар сарфлаган, бироқ ҳозирча солиқ имтиёзларидан тўлиқ равишда фойдаланиш учун етарли фойда олмаётган компанияларда қўлланилади. Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг қонунларида бундай вазиятларда солиқ имтиёзларини келгуси даврга ўтказиш, яъни кечиктириш кўзда тутилади.

---

<sup>6</sup> Инновационное развитие – основа модернизации экономики России: Национальный доклад. – М.: ИМЭМО РАН, ГУ-ВШЭ, 2008. – 168 с.

Россияда қўлланиладиган давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усуллари мажмуи – бу инновацион фаолиятни тартибга солувчи конунлар ва меъёрий ҳужжатларда қайд қилинган механизмлар. Бундан ташқари Россияда мамлакатда фан ва техникани ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи фондлар тизими ҳам яратилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиб, илмий-инновацион тараққиётнинг уч муҳим моделини алоҳида кўрсатиш мумкин:

**1.** Ўз устувор йўналишларини илм-фанни ривожлантиришга, илмий-ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини қамраб оладиган йирик миқёсли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қаратган, одатда, илмий-инновацион салоҳиятининг бир қисми муҳофаа секторидида банд бўлган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

**2.** Янгиликларни кенг тарзда оммалаштириш, мақбул инновацион муҳит яратиш, иқтисодиётнинг барча тузилмаларини рационализация қилишга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

**3.** Янгиликларни инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш йўли билан рағбатлантирувчи, жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқларига мойилликни ҳамда фан ва технологиялар соҳасига оид турли тармоқлар фаолиятида мувофиқликни таъминлашга ҳаракат қилувчи мамлакатлар (Япония, Корея).

АҚШ давлат инновацион сиёсатининг ўзига хос томонларидан бири инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилишда муассасаларга мустақиллик берилиши ҳисобланади. Бошқарув қарорларини башорат қилиш, стандартлаштириш, оптималлаштиришга, инновацион лойиҳаларни давлат экспертизасига, инновацияларнинг давлат статистикасини юритишга катта эътибор қаратилади, ички ва халқаро рақобатни ривожлантириш механизмлари ишлаб

чиқилган, антитрест қонунлари 100 йилдан буён амал қилмоқда. Давлат венчур фондлари ва тадқиқот марказларини яратишга ёрдам кўрсатади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар – Германия, Англия ва Франция ИТИ учун харажатларнинг мутлақ миқдори бўйича мувофиқ равишда 3- (2,3 % ЯИМ), 4- (2,4 % ЯИМ) ва 5- (2,2 %) ўринларни эгаллаб турибди. Европа Иттифоқида инновацион фаолиятни жадаллаштиришга катта аҳамият берилади, “Халқаро инновациялар инфратузилмасини ривожлантириш ва технологияларни тарқатиш режаси” амалдаги инновацион сиёсатнинг асосини ташкил этади. Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади – илмий тадқиқотлар натижаларини миллий ва халқаро даражаларда тайёр маҳсулотларга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш ва соддалаштириш ҳамда инновацияларни бутун Еуропа Иттифоқида оммалаштиришга кўмаклашишдан иборат. Зонада Европа Иттифоқида ИТИ натижаларини тарқатиш бўйича “ВЭЛБЮ” дастури, ЭСПРИТ – бу ахборот тизимлари технологияси соҳасига оид илмий тадқиқотларнинг Европа стратегик дастури, РАСЕ – Европада илғор алоқа усулларини тадқиқ этиш (мақсад – интеграциялашган кенг полосали алоқа соҳасида ҳамкорликда ИТИ ўтказиш) дастури, ЭВРИКА – Европа гуруҳлари ўртасида альянслар ташкил этиш йўли билан рақобатбардош, айниқса, Америка ва Япония корпорациялари томонидан бўладиган рақобатга чидамли йирик sanoat компанияларини ривожлантиришга ва олти йўналишдаги: оптик электроника, янги материаллар, қудратли ЭҲМ, кучли лазерлар, зарралар тезлаткичлари, сунъий интеллект каби соҳаларда мувофиқлаштирилган Европа ИТИни ташкил этишга йўналтирилган комплекс дастур фаолият юритмоқда.

Европа Иттифоқида ҳам инновацион фаолиятнинг ривожлантирилиши тахминан жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойиллар бўйича амалга оширилмоқда.

Япония саноатини ривожлантириш стратегиясини белгилаб олиш, саноат ИТИ ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишда Ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) муҳим ўрин тутди. Лицензиялар экспорти ва импорти билан шуғулланувчи Япония саноат технологиялари ассоциацияси ҳам ТССВ тасарруфида. Мамлакатни илмий-техник ривожлантириш бўйича узок муддатли дастур ишлаб чиқилган, амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади, хориждан лицензиялар сотиб олинади. ИТТни амалга оширишда йирик корпорациялар алоҳида қўллаб-қувватланади.

Бугунги кунда Японияда ИТИ учун харажатлар ЯИМнинг 3,5%ни ташкил этади, бунда фундаментал тадқиқотлар ва тубдан янги ғояларнинг яратилиши асосий ўрин эгаллайди. Япония давлат сиёсати мамлакатни лицензиялар импорт қилувчисидан уларнинг экспортчисига айлантиришга қаратилган. Фан ва ишлаб чиқариш, илмий-техник тараққиёт интеграциясининг япон модели ИТИ ва фан сиғими юқори саноат ишлаб чиқаришини ўзида тўпловчи тубдан янги шаҳар-технополисларнинг яратилишини назарда тутди.

Технополислар стратегияси – бу юқори технологик даражаларга эга минтақавий марказлар тармоғини ривожлантириш асосида янги фаолият соҳаларида олға силжишлар ва тараққиёт стратегиялари, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бутун япон хўжалигини интеллектуаллаштириш стратегиясидир.

Японияда инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек ИТИни индикатив режалаштириш, юқори импорт бож тўловлари, ИТИни молия билан таъминлашда солиқ ва кредит имтиёзлари тақдим этиш, фан сиғими юқори маҳсулотларни тараққий эттириш бўйича протекционистик сиёсат орқали ҳам тавсифланади.

Японияда жадаллаштирилган амортизация тизими энергия тежовчи асбоб-ускуналардан ёки ресурслардан самарали фойдаланишга ёрдам берувчи ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган жиҳозлардан фойдаланадиган компаниялар учун жорий этилган. Жадаллаштирилган амортизациянинг 10 дан 50%гача бўлган турли-туман меъёрларидан фойдаланилади. Бироқ энг кенг тарқалган ставка ўртача 15–18%ни ташкил этади. Буюк Британия компанияларига техник асбоб-ускуналар тўлиқ қийматини улар фаолиятининг 1чи йилидаёқ яроқсиз сифатида ҳисобдан чиқаришга рухсат берилган. Германияда биринчи йилда ИТИ ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва приборлар сотиб олиш харажатларининг 40%ни ҳисобдан чиқариш мумкин. Швециядаги амортизация яроқсизлик тизими 3 йиллик хизмат муддатига эга бўлган ва қиймати унчалар катта бўлмаган ускуналарни сотиб олинган йилидаёқ, машиналар ва бошқа жиҳозларни 4–5 йил давомида ҳисобдан чиқариб ташлашга имкон беради. Францияда муҳим турдаги жиҳозлар: энергия тежовчи, экологик, ахборот ускуналарига жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш имконияти мавжуд. Масалан, компьютерларни 1 йилда амортизация қилиш мумкин. Хизмат қилиш муддати 4 йилгача бўлган асбоб-ускуналарнинг амортизация коэффициенти 1,5; 5–6 йил бўлганларники – 2; 6 йилдан катта бўлса 2–2,5га тенг.

Инновацион жараёнларни тартибга солишнинг Жанубий Корея модели давлат инновация сиёсатини амалга оширишда кўп тармоқли 30 та молия-саноат гуруҳлари (МСГ) нинг фаол иштирок этиши билан тавсифланади. Саноат ишлаб чиқаришининг 45%дан зиёди ва ИТИ учун умумдавлат харажатларининг 58% энг йирик МСГ га тўғри келади. Ҳукумат МСГ катта молиявий ва солиқ кўмаги кўрсатади, малакали кадрлар етказиб беришни кафолатлайди.

Финляндия тажрибаси ҳам диққатга лойиқ бўлиб, бу ерда инвестицияларнинг юқори даражаси кузатилади. Сўнгги 10–15 йилда илмий-тадқиқот ишланмаларига киритилган инвестициялар ҳажми Финляндияда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бошқа мамлакатларга нисбатан тезроқ ўсди. Ўртача йиллик ўсиш тезлиги тахминан 10%ни ташкил этди. ИТИнинг ЯИМдаги улуши 1982 йилдаги 1,2 дан 2008 йилда 3,8%гача ўсди. Финляндияда ИТИнинг учдан икки қисми корхоналар томонидан молиялаштирилади. Финляндия тажрибаси ресурслар тармоғи юқори технологик тармоқларнинг ривожланишига омил бўлиши мумкин эканини кўрсатмоқда. Машинасозлик тармоғининг ривожланиши кўп жиҳатдан ўрмон саноати билан боғлиқ. Ўрмончилик тармоғи кимё саноатининг бир қатор соҳаларини, сўнгра эса ёғочни қайта ишлаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ электроника ва автоматлаштириш тармоқларининг ривожланишига, шунингдек хизматлар сектори – тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича маслаҳатлар, лойиҳавий молиялаштириш хизматларини тараққий этишига туртки бўлди.

Шундай қилиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида илм-фан ва технологиялар соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мақсадлари куйидагилардан иборат экан:


– фан ва техниканинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасининг ўсиши. Хориж мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг 90% илмий-техник тараққиёт ҳисобидан амалга оширилар экан, Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра бу кўрсаткич 1%га етмас экан;

- моддий ишлаб чиқариш соҳасида илғор ўзгаришларни таъминлаш;
- жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш;
- мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

- экологик ҳолатни яхшилаш;
- мураккаб илмий мактабларни сақлаш ва ривожлантириш.

## 2.2. Республикада инновацияларни қўллаб-қувватлаш натижалари таҳлили

Бугунги кунда Республикада 400 га яқин илмий фаолият олиб борувчи ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, улар тўғридан-тўғри инновация фаолияти билан шуғулланиб келмоқдалар. Улардан 220 дан ортиқ ташкилотлар давлат илмий тадқиқотлари дастури (ДИТД) доирасида илмий фаолият олиб боради (9-расм).



**9-расм. Давлат илмий тадқиқотлари дастури доирасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар сони**

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ДИТДлар доирасида Республика бўйича жами 220 та ташкило фаолият кўрсатаётган бўлса, улардан 96 таси илмий тадқиқот фаолиятига ихтисослашган ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари олий таълим муассасалари 69 тани, тажриба конструкторлик ташкилотлари 18 тани, инновация марказлари 11 тани, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари 8 тани ва бошқа ташкилотлар 20


тани ташкил қилади. Бу статистика битта мамлакат учун жуда ҳам оз, негаки 220 та ташкилотнинг ҳар бирида бир йилда ўртача ўнтадан инновацион янгилик амалга оширилса, республика бўйича жами 2200 та янгиликлар яратилади. Республикада тахминан 30 млн. аҳоли яшайди деб ҳисобласак, ҳар 100 минг аҳолига 7 тадан инновацион янгилик тўғри келади. Шундай экан, инновацион ташкилотлар сонини ҳеч бўлмаганда 100 мартага ошириш, инновацион фаолият самарадорлигини ошишига олиб келади.

2012 йилга келиб Республика бўйича рўйхатга олинган илмий-тадқиқотлар соҳасига жалб этилган мутахассислар сони 35 мингдан ортиқни ташкил этади, жумладан:

- 2,4 мингдан ортиқ фан докторлари;
- 9,2 мингдан ортиқ фан номзодлари;
- 12 мингдан ортиқ тадқиқотчилар.


Бундан ташқари ушбу соҳани таҳлил қилишда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим саналади. Республикада охириги йилларда “Фан” соҳасига сарфланган бюджет маблағлари динамикаси қуйидаги расмда кўрсатилган (10-расм).

Расмдан кўришиб турибдики, “Фан”га давлат бюджетидан сарфланган харажатлар 2003 йилда 12597 млн.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг туб бурилиш даври 2008 йилга тўғри келади. Шу йили давлат бюджетидан ушбу соҳага 34528 млн.сўм сарфланган. 2011 йил 111052 млн.сўм маблағлар Республикада илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган. Ушбу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан қарийиб 9 баробар кўп.



**10-расм. "ФАН" соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ миқдорининг ўсиши (млн.сўм)**

Сарфланаётган ушбу маблағларнинг манзилини ўрганиш, илм фаннинг қайси жабҳасига кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини билдиради. Қуйидаги




расмда маблағлар тақсимоти фоизларда аниқ акс этган (11-расм).

**11-расм. "ФАН" соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ тақсимоти**

Республика миқёсида жами ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларни амалга оширишга сарфланган маблағларнинг 66 фоизи давлат илмий тадқиқотлари дастури доирасида амалга оширилган бўлиб, бундан илмий тадқиқотларга давлатнинг эътибори қай даражада эканлигини кўrsa бўлади. Шу билан биргаликда, фан йўналиши материал техник базасини мустаҳкамлашга давлат бюджети маблағларининг 5 фоизи, ноёб илмий объектларга 7 фоиз, стипендиялар учун 4 фоиз ва экспертлар учун 1 фоиз миқдорида тақсимланган. Бошқа йўналишдаги илмий тадқиқотлар ва фанни ривожланишига сарфланган бюджет харажатлари жамига нисбатан 17 фоизни ташкил қилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ФАН соҳаси таркибидаги илмий тадқиқотлар учун берилаётган эътибор ДИТД доирасида сарфланган маблағлардан ҳам кўриниб турибди. Аммо шунга қарамасдан инновацион маҳсулотларнинг аҳоли жон бошига кам даражада тўғри келиши илмий тадқиқотларни сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан такомиллаштириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун эса, ДИТДлар доирасида сарфланаётган маблағларни янада чуқурлаштириб, таҳлил этишга тўғри келади. Қуйида ушбу йўналишдаги таҳлил бўйича олинган маълумотлар расм кўринишида акс этган (12-расм).



## **12-расм. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағни ДИТДлари бўйича тақсимоти**

Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, давлат илмий тадқиқот дастурларининг энг катта қисми аниқ тадқиқот дастурлари учун йўналтирилган. Бу 51 фоизни ташкил этади. Илмий тадқиқот дастурлари учун сарфланган маблағлар 15 фоизни, фан техника дастурлари 22 фоизни, ёш олимлар учун 1 фоиз ва бошқа давлат дастурларига 1 фоиз маблағлар сарфланган.

Қуйида ушбу дастурлар доирасида бажарилган айрим ишларнинг натижалари таҳлил этилган.

Умумий ва ноорганик кимё институтида дунё тажрибасида биринчи марта яратилган Марказий Қизилқум фосфоритидан «азотфосфорли ўғит» олиш технологияси «Навоийазот» акциядорлик жамиятида жорий этилиб, 2010 й.да 8,1 млрд. сўмлик 40 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилди. 2011 йилда 54 млрд. сўмлик 180 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилди.

Самарқанд кимё заводида маҳаллий хом ашёдан янги нитрокальцийфосфатли ўғит ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Тажрибаларнинг кўрсатишича ўғитнинг озукалик даражаси суперфосфатникидан икки баравар кўп бўлиб, у айниқса шўрланиши юқори бўлган майдонларда яхши самара беради. 2008-2010 йилларда 32,6 млрд. сўмлик 185,2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Фарғонаазот» акциядорлик жамиятида 2009-2010 йилларда 6,2 млрд. сўмлик 3 минг тонна юмшоқ таъсир этувчи янги —«УзДЭФ» дефолианти, 37,8 млрд сўмлик 17,7 минг тонна «Супер ХМД» дефолианти ишлаб чиқарилди. 2009-2010 ушбу дефолиантлар билан республика пахта далаларининг 70% дан кўпига ишлов берилган.

Мураккаб ўғит ишлаб чиқариш, фосфор ангидриди, оддий суперфосфат, турли маркали КМЦ (карбоксиметилцеллюлоза), ўсимликлар уруғига кимёвий ишлов берувчи УзХитАН перепаратини ишлаб чиқариш технологиялари жорий этилган.

Умуман, юқоридаги технологиялар асосида 2007-2010 й.да 93,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 234 млн.доллари миқдорда валюта тежалган.

Тошкент кимё технология институтида яратилган маҳаллий хом-ашё асосида экстракцияли фосфор кислотасини олиш технологияси “Аммофос Максам” ОАЖда жорий этилиб, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда қўлланилган. 2002-2010 йилларда 577,0 млрд сўмлик 795 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилган, жумладан 123,6 млн АҚШ долларига ўғит хорижга экспорт қилинган.

2008-2010 йилларда 12 номдаги дори воситаларни ишлаб чиқариш бўйича инновацион технологиялар «Ўзфармсанок» ДАК корхоналарида жорий этилиб, жами 1378,3 млн.сўмлик янги дори воситалари ишлаб чиқарилган.

Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтларининг инновацион фаолияти натижасида 2011 йил давомида «Аллапинин», «Жистенин» дори воситалари, биопрепаратлар ва «Госсипол» субстанциясини 2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

2009-2011 йй. давомидаги тадқиқотлар натижасида ғўзанинг 19 та, буғдойнинг 21 та, қаттиқ буғдойнинг 7 та, арпанинг 9 та, маккажўхорининг 5 та, шолининг 9 та, мойли экинларнинг 10 та, мевали дарахтларнинг 21 та, узумнинг 3 та, сабзавотнинг 34 та, полиз экинларининг 14 та, картошканинг 4 та, озука экинларининг 7 та, чўл-яйлов экинларининг 10 та янги навлари,

коракўл кўйларнинг 5 та завод типлари, ипак қуртининг ингичка тола берувчи 4 янги тизими ва 28 та ветеринария препаратлари яратилди.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси Республикада инновацион фаолиятни такомиллаштириш ричаги бўлиб ҳисобланади. Ярмарканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим йўналишлари бўйича 110 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва ихтирочилар ўзларининг 600 дан ортиқ технологиялари, ишланмалари ва ғоялари билан иштирок этдилар.

Президентимиз томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, ярмаркада қатнашган ишланмаларнинг 50 таси кичик бизнес ва тадбиркорлик алоҳида бўлимида намоиш этилди.

Шунингдек ярмаркада ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига ва инновация фаолиятига жалб қилишни рағбатлантиришни мақсадида олий таълим муассасалари талабаларининг 47 ишланмаси ва “Келажак овози” республика танлови ғолибларининг 15 ишланмаси ҳам тақдим этилган.

Ушбу маълумотларни Инновацион ярмаркада тузилган шартномаларни таҳлил этиш ўрганилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### I - IV Инновацион ярмарка доирасида тузилган шартномалар сони

Инновацион ярмарка	Сони	Миқдори (млрд.сум)
2008 й.	292	13,1
2009 й.	448	16,3
2010 й.	456	10,7
2011 й.	388	10,8
<b>Жами</b>	<b>1584</b>	<b>51,0</b>

Шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, ихтирочилар ва бошқа ташкилотлар		
2008 й.	140	6,7
2009 й.	252	6,2
2010 й.	274	4,6
2011 й.	223	3,9
Жами	889	21,6

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2008-2011 йиллар оралиғида жами 1584 та 51 млрд сўмлик шартномалар тузилган бўлиб, 2008 йилда, яъни инновацион ярмарканинг биринчи йили 292 та 13,1 млрд сўмлик шартномалар тузилган. Бу кўрсаткич 2009 йилда шарномалар сони бўйча қарийиб 1,5 баробарга, қиймати бўйича эса 30 фоизга ортиғи билан тузилган. 2009 йилдаги ярмарка натижалари кейинги йилларга нисбатан ҳам анча юқори бўлиб, кейинги йилларда ярмаркада тузилган шартномалар қиймати олдинги йилларга нисбатан пасайиб бормоқда ва мос равишда 10,7 ва 10,8 млрд сўмни ташкил этган. Бундан ярмарканинг инновацион шартномалари олдинги йиллардагидек, самарали эмаслигини кўрсатмоқда. Акс ҳолда, кизиқувчилар сони ортиши ва шартнома қиймати ҳам ортиши зарур эди. Демак, инновацион маҳсулотларнинг самарадорлиги ва сифатига кейинги даврларда яна ҳам талабаларни кучайтириш зарур. Жами тузилган шартномаларни 21,6 млрд сўми тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, ихтирочилар ҳиссасасига тўғри келади. Бу кўрсаткич кичик корхоналар йирик корхоналарга нисбатан анча фаол эканлигини кўрсатади. Чунки, молиявий имкониятлари йирик корхоналарга нисбатан пастроқ бўлишига қарамасдан иқтисодиётнинг кичик ячейкаси бўлган бундай корхоналарнинг қарийиб 45 фоиз миқдордаги шартномаларни тузгани, инновацион фаоллик кимда кучлироқ экинлигини кўрсатиб турибди.

Таҳлилни яна чуқурлаштириб, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса куйидагича ҳолатни кузатиш мумкин (3-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятлар кесимида тузилган шартномалар сон жиҳатидан энг катта улуш 219 та бўлиб, Тошкент шаҳрига тўғри келади. Андижон вилояти бўйича эса жами 157 та шартномалар тузилган бўлиб, у Республика бўйича иккинчи кўрсаткич.

### 3-жадвал

#### Ҳудудлар кесимида I - IV Инновацион ярмарка доирасида тузилган шартномалар сони

Ҳудуд номи	Шартномалар сони	Миқдори (млн.сум)
Қорақолпоғистон Республикаси	30	395,8
Андижон вилояти	157	1716,8
Бухоро вилояти	29	640,6
Жиззах вилояти	13	258,9
Қашқадарё вилояти	51	639,4
Навоий вилояти	11	263,2
Наманган вилояти	52	717,4
Самарқанд вилояти	50	770,6
Сурхандарё вилояти	28	704,7
Сирдарё вилояти	54	1072,4
Тошкент вилояти	89	2149,5
Фарғона вилояти	67	1903,9
Хоразм вилояти	39	2654,5
Тошкент ш.	219	7670,2
<b>Жами</b>	<b>889</b>	<b>21557,7</b>

Фарғона вилояти бу борада 67 та шартнома билан чекланган бўлиб, шартномаларнинг умумий қиймати 1 млрд 903 млн сўмга тўғри келади. Бу кўрсаткича Тошкент шаҳридан қарийиб 4 баробарга кам.

Республика бўйича энг кичик шартномалар сони Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Тузилган ушбу шартномаларнинг амалга ошиши жиҳатидан таҳлили қилинганда қуйидагилар аниқ бўлди.

**2009-2011 йиллар давомида инновация ярмарка доирасида тузилган шартномаларни амалга ошириш натижасида:**

– 86 шартнома бўйича инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинди;

– 17 шартнома бўйича серияли ишлаб чиқаришлар ташкил қилинди;

– 51 шартнома бўйича тажриба-синов саноат намуналари яратилди;

– 16 шартнома бўйича тажриба ва синовлар ўтказилди;

– 211 шартнома бўйича инновацион маҳсулотлар вазирлик ва идоралар, корхоналар, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига етказиб берилди;

– 96 шартнома бўйича вазирлик ва идоралар, корхоналар, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига инновацион хизматлари кўрсатилди.

Қуйидаги жадвалда технологик инновацияларни жорий қилган микрофирма ва кичик корхоналар қуйидаги жадвал асосида таҳлил қилинади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Технологик инновацияларни жорий қилган микрофирма ва кичик корхоналар сони (01.01.2011й.)**

Худуд номи	Инновацияларни жорий қилган корхоналар сони	Жорий қилинган инновациялар сони
Қорақолпоғистон Республикаси	3	3
Андижон вилояти	5	36

Бухоро вилояти	5	5
Жиззах вилояти	6	17
Қашқадарё вилояти	1	1
Навоий вилояти	2	2
Наманган вилояти	-	- <i>Давоми</i>
Самарқанд вилояти	1	1
Сурхандарё вилояти	5	5
Сирдарё вилояти	2	2
Тошкент вилояти	5	10
Фарғона вилояти	4	4-жадвалнинг давоми
Хоразм вилояти	1	1
Тошкент ш.	10	11
<b>Жами</b>	<b>50</b>	<b>98</b>

Вилоятлар бўйича жами 50 та ишлаб чиқариш корхоналари инновацияларни ярмарка асосида ўз фаолиятида ташкил этган бўлиб, жами тадбиқ этилган инновациялар сони 98 тани ташкил қилади. Фарғона вилоятида жами 4 та корхонада 4 та инновацион лойиҳа амалга оширилган бўлиб, режа 100 фоизга бажарилган. Бу йўналишда ҳам энг катта кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келади. Яъни бу ҳудудда жами 10 та корхонада 11 та инновация лойиҳалари амалга оширилган. Энг паст кўрсаткич Наманган вилоятига тегишли бўлиб, инновацион ярмаркалар доирасида бирорта ҳам шартнома тузилмаган ва ам алга оширилмаган. Андижон вилоятида 5 та корхонада 36 та инновацион янгиликлар жорий этилган.

Инновациялар жорий этилиши борасидаги энг муҳим таҳлил, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибида инновацион маҳсулотнинг улушини ўрганиш ҳисобланиб, қуйида таҳлил қилинади (5-жадвал).

**Худудлар кесимида амалга оширилган товар, ишлар ва хизматлар  
умумий ҳажмида амалга оширилган инновацион товар, ишлар ва  
хизматларнинг таркиби (фоизда)**

Худуд номи	Реализация қилинган умумий маҳсулотдаги инновацион маҳсулотнинг улуши, %						Инновацион маҳсулотнинг умумий ҳажмидаги экспортнинг улуши, %		
	Жами			Шу жумладан: хорижга			2008	2009	2010
	2008	2009	2010	2008	2009	2010			
Ўзбекистон Республикаси	2,85	2,80	2,82	10,38	5,76	10,77	32,35	14,38	29,76
Қорақолпоғистон Республикаси	0,23	0,12	0,30	-	-	-	-	25,84	-
Андижон вилояти	29,3	37,5 5	23,61	41,35	83,48	59,1	39,58	18,84	37,13
Бухоро вилояти	0,03	6,83	11,21	0,46	-	3,62	13,31	-	1,22
Жиззах вилояти	0,42	0,01	1,97	3,87	-	1,91	8,21	-	5,16
Қашқадарё вилояти		0,00	0,01	-	-	-	-	-	-
Навоий вилояти	1,52	3,88	0,59	0,30	0,88	1,93	2,68	2,47	51,59
Наманган вилояти		0,01	0,01	-	0,17	-	-	89,16	-
Самарқанд вилояти	0,18	0,09	0,44	1,19	0,80	0,06	13,95	4,10	0,39
Сурхандарё вилояти	0,02	0,36	0,05	-	-	-	-	-	-
Сирдарё вилояти			0,01	-	-	-	-	-	-
Тошкент вилояти	0,30	0,04	1,28	0,17		1,64	7,02	0,61	21,60
Фарғона вилояти	0,10	0,04	0,43	0,0	0,02	-	2,86	2,63	-
Хоразм вилояти	0,06	0,12	0,05	-	0,71	-	-	2,78	-
Тошкент ш.	1,26	0,40	0,68	0,15	0,03	3,45	1,31	0,54	28,23

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, 2008 йилда жами реализация қилинган маҳсулотнинг 2,85 фоизи инновацион маҳсулот ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич 2009 йилда 2,8 ва 2010 йилда 2,82 фоизни ташкил қилиб, мунтазам ортиб бормоқда. Шу жумладан, 2008 йилда хорижга экспорт қилинган маҳсулотнинг 10,38 фоизи, 2009 йилда 5,76 фоизи ва 2010 йилда 10,77 фоизи инновацион маҳсулотдан иборат бўлган. Инновацион маҳсулотнинг таркибида экспорт қилинган маҳсулотнинг улуши 2008 йилда 32,35 фоизни, 2009 йилда 14,38 фоизни ва 2010 йилда 29,76 фоизни ташкил қилган.

Бу йўналишда энг яхши кўрсаткич Андижон вилоятига тўғри келади. 2008 йилда жами реализация қилинган маҳсулотнинг 29,3 фоизи инновацион маҳсулот ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2009 ва 2010 йилларда мос равишда 37,55 ва 23,61 фоизни ташкил этган бўлиб, бу вилоятнинг таъсири бутун Республика бўйича ўртачани кўтарилишига олиб келган. Бу вилоятда хорижга экспорт қилаётган маҳсулот таркибида инновацион маҳсулотнинг улуши 2008, 2009 ва 2010 йилларда мос равишда 41,35, 83,48, 59,1 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари экспорт қилинган маҳсулот таркибида инновацион маҳсулотнинг улуши мос равишда 39,58, 18,84 ва 37,13 фоизни ташкил этган.

Фарғона вилоятида эса бу кўрсаткичлар Республика бўйича ўртача кўрсаткичдан анча паст бўлган. Яъни, 2008 йилда жами реализация таркибида инновацион маҳсулот 0,1 фоизни ва мос равишда кейинги икки йил ичида 0,04 ва 0,43 фоизни ташкил этган. Аммо экспорт таркибида инновацион маҳсулот 2008 ва 2009 йилларда 2,86 ва 2,63 фоиздан иборат бўлган. Бунда экспорт қилувчи корхоналарда инновацияларга бўлган қизиқиш юқори эканлигини кўриш мумкин. Буни “Фарғона ёғ-мой” ОАЖ мисолида таҳлилни давом эттираемиз.

## 2.3. “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни ташкил

### этиш имкониятлари таҳлили

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖ Ўзбекистон Республикасидаги “Ёғ-мой ва озиқ овқат саноати” уюшмаси таркибидаги юртимизнинг энг йирик корхоналардан бири сифатида фаолият юритмоқда.

Жамият томонидан тозаланган ўсимлик ёғи, атир совун, 60 ҳамда 70 фоизли хўжалик совуни, техник ва озуқавий саломас, 94 ҳамда 98 фоизли глицерин, дистерланган соапсток ёғ кислотаси, пальмитин, суюлтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, кунжара ва бошқа ёғ мой маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда 2012 йилда ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоб натижалари қуйидагича кўринишга эга бўлди (6-жадвал):

#### 6-жадвал

### “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг 2012 йилдаги техник иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	2011 йил	2012 йил					
		Режа	Ҳақиқат	2012 йил		2011 йил	
				мутлоқ	фоиз	мутлоқ	фоиз
Амалдаги нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, м.с.	13162651	16826486	20366655	3540169	121	7204004	154.7
Қиёсий нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, м.с.	15489867	16326466	17854832	1528366	109.4	2364965	115.3
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, м.с.	18776032	15883163	17889656	2006493	112.6	-886376	95.3
Чигитни қайта ишлаш, тн	1452	54400	43779	-10621	80.5	42327	3015.1
шу жумладан, пахта чигити, тн	1308	54400	43779	-10621	80.5	42327	3015.1
- кунгабоқар дони, тн	144	-	-	-	-	-	-
Қора ёғ, тн	261	10600	7918	-2682	74.7	7657	3033.7
шу жумладан, пахта ёғи, тн	218	10600	7918	-2682	74.7	7657	3033.7
- кунгабоқар ёғи, тн	43	-	-	-	-	-	-
Оқланган ёғ	327	9433	6507	-2926	69	6180	1989.9
шу жумладан, пахта ёғи, тн	289	9433	6507	-2926	69	6180	1989.9

- кунгабоқар ёғи, тн	38	-	-	-	-	-	-
- оқланган олий нав пахта ёғи, тн	29	1402	1133	-269	80.8	1104	3906.9
Салат ёғи, тн	-	-	-	-	-	-	-
Доғланган ёғ, тн	961	4792	2619	-2173	54.7	1658	272.5
Қадоқланган ёғ, тн	1152	4764	4519	-245	94.9	3367	392.3
“Ўзбекистон” ёғи, тн	-	-	-	-	-	-	-
Хўжалик совуни, тн	6972	1800	2409	609	133.8	-4563	34.6
Атир совуни, тн	690	-	-	-	-	-	<i>Давоми</i>
Саломас жами, тн	4564	-	-	-	-	-	-
Тех.саломасдан ЖК, тн	3753	-	-	-	-	-	-
Глицерин дистерланган, тн	351	-	-	-	-	-	-
Пахта кунжараси, тн	651	25221	19631	-5590	77.8	18980	3015.5
шу жумладан, кунгабоқар кунжараси, тн	75	-	-	-	-	-	-
Шелуха	440	17204	13875	-3329	80.6	13435	3153.4

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖда 2012 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми амалдаги нархларда 16.8 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 20.4 млрд.сўм ёки 121 фоизга бажарилиб, қиёсий нархларда эса 16.3 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 17.8 млрд.сўм ёки 109.4 фоизга, ўтган 2011 йилга нисбатан 115.3 фоизга бажарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 15.9 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 17.9 млрд.сўмга ёки 112.6 фоизга бажарилди. Ўтган 2011 йилга нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 95.3 фоизни ташкил этган.

2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқлари техник чигитни қайт ишлаш, қора ёғ ва оқланган ёғ ишлаб чиқариш режаси корхона бошқа жойга кўчирилиши муносабати билан 2012 йил 19 февраль куни янги манзилда ишга туширилди. Шунга қарамай ўсиш сурати 115.3 фоизга бажарилди ва ўтган йилга нисбатан 4563 тн хўжалик совуни кам ишлаб чиқарилди. Шу сабабли халқ истеъмоли моллари ўсиш сурати ҳажми бажарилмади.

Дастлаб корхонанинг бошқарув структурасини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади (13-расм).





Бошқарувнинг ташкилий тузилиши жамиятнинг умумий йиғилиши бошчилигидан бошланади. Кузатув Кенгаши ҳам корпоратив бошқарув тамойиллари асосида акциядорлар йиғилишига бўйсунди. Жамиятнинг бошқарув бошлиғи 3-бошқарув поғонаси бўлиб ҳисобланади. Жамият бошлиғига тўғридан-тўғри 11 та вертикал бошқарув бўғинлари бўйсунди. Улар: тижорат ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўйича бошлиқ ўринбосари, бош инженер, капитал қурилиш бўйича бошлиқ ўринбосари, ижро назорати бўлими, тиббий пункт, махсус бўлим, кадрлар бўлими, юридик бўлим, девонхона ҳисобланади. Ушбу бўғинлар бўйича бошлиқ кузатув кенгаши ва жамият акциядорлар йиғилишига ҳисобот беради. Ички аудитор, корпоратив бошқарув бўйича маслаҳатчи корхона кузатув кенгашига тўғридан-тўғри бўйсунди.

Вертикал бўйсинув объекти жиҳатидан энг катта улушга эга бўлган бошқарув сруктураси тизими бош инженер ҳисобланади. Акциядорлик жамиятида 23 та хўжалик ва бўлимлар бош инженерга бўйсунди. Корхонада инновацияларни бошқариш тизимини такомиллаштиришда бош инженер тизимига асосий эътибор қаратиш зарур. Чунки, ушбу тизимда инновацияларни жорий этиш бўйича мутахассислар жамоаси шаклланган.

Корхоналарда инновацион бошқарувни такомиллаштиришда фақатгина кадрлар соҳасидаги муаммоларнигина эмас балки, корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолиятини ва барқарорлик, ишчанлик ҳамда рентабеллик даражаларини таҳлил қилиш зарур. Чунки, инновацион менежмент корхонадан молиявий манбалларнинг мустаҳкамлигини ва айланувчанликни талаб этади. Корхонада инновацияларни ташкил этиш ва жадаллаштириш кучли молия ва иқтисодиётни талаб этади. Қуйида “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг инновацияларни жалб этиш учун имкониятларига иқтисодий баҳо берилади (7-жадвал).

**2011 йил бўйича “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг бухгалтерия балансининг  
актив моддаларининг таҳлили**

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма-дағи, минг сўм	Салмоқ- дағи, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1. Узоқ муддатли активлар	5167911	34,3	9398226	39,7	4230315	5,3	81,9
2. Жорий активлар	9878688	65,7	14284331	60,3	4405643	-5,3	44,6
<b>Шу жумладан:</b>							
А) Товар-моддий захиралари	5190880	34,5	6661637	28,1	1470757	-6,4	28,3
Б) Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	2343598	15,6	896508	3,8	-1447090	-11,8	-61,7
В) Дебиторлар	2326486	15,5	6697537	28,3	4371051	12,8	187,9
<b>Баланс активининг жами</b>	<b>15046599</b>	<b>100</b>	<b>23682557</b>	<b>100</b>	<b>8635958</b>	<b>0</b>	<b>57,4</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадики, жамиятнинг баланс таркибида активлар структураси йил бошига узоқ муддатли активлар учун 34.3 фоиз ва жорий активлар учун 65.7 фоизга тўғри келади. Активларнинг бундай жойлашуви озиқ-овқат саноати тармоғи учун мақбул тақсимот бўлиб, корхонадаги ТМЗлари жами активларнинг 34.5 фоизини, дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари мос равишда 15.5, 15.6 фоизларни ташкил этган. Йил охирига активларнинг таркиби бироз ўзгарган бўлиб, бу ҳам мақбул вазиятни ёмонлашуви сифатида кўрилмайди. Аммо дебиторлик қарзларининг баланс таркибидаги улуши 28.3 фоизни ташкил этиб йил бошига нисбатан 12,8 фоизга ортган. Дебиторлик қарзларининг ўзи 187.9 фоизга ошган. Шу

билан бирга, корхонанинг умумий активлари 57.4 фоизга кўпайган. Жами балансининг ортиши активларнинг барча бўлимларига бирдек таъсир кўрсатган. Айниқса, узоқ муддатли активларни ҳисобига жами баланс 81.9 фоизга ортган.

Корхона балансининг актив моддалари таҳлилидан кўринадик, инновацияларни жалб этиш учун корхонадаги бўш пул маблағлари камайиб бормоқда. Пул маблағларининг камайиб бориши одатий ҳол бўлишига қарамадан, бошқа жорий активларни ҳам даврий равишда камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳол тезкорлик билан инновация фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутади.

Балансининг бу каби ўзгаришини пассив моддалар таҳлилини таҳлил қилиш асосида ўрганилади (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнингбухгалтерия балансининг пассив моддалари таҳлили

Мол-мулкни ташкил топиш манбаининг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма-даги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1. Ўз маблағларининг манбалари	12812213	85,2	15331930	64,7	2519717	-20,4	19,7
2. Мажбуриятлар	2234386	14,8	8350627	35,3	6116241	20,4	273,7
<b>Шу жумладан:</b>							
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	0	0	0	0	0	0	0
б) жорий мажбуриятлар	2234386	14,8	8350627	35,3	6116241	20,4	273,7
<b>Баланс пассивининг ЖАМИ:</b>	<b>15046599</b>	<b>100,0</b>	<b>23682557</b>	<b>100</b>	<b>8635958</b>	<b>0</b>	<b>57,4</b>

Олдинги жадваллар таҳлилидан жами балансни 57.4 фоизга ортганлиги маълум. Ушбу маблағлар жамиятда жорий мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган. Пассивларнинг умумий таркиби йил бошига ўз маблағларининг манбалари умумий пассивлар таркибида 85.2 фоизни ва мажбуриятлари 14.8 фоизи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган. Мажбуриятларнинг 100 фоизи жорий мажбуриятлар ҳисобига тўғри келади. Узоқ муддатли мажбуриятлар корхонада йил боши ва охирига мавжуд эмас. Пассивларнинг ушбу тақсимоли корхонанинг молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Йил охирига ушбу мувозанат камайган. Яъни ўз маблағлари манбалари 64.7 фоизга, мажбуриятлар эса 35.3 фоизга тенг бўлган. Йил бошига нисбатан йил охирида жами баланснинг ўсиши 273.7 фоиз жорий мажбуриятларни ўсиши ҳисобига шаклланган.

Таҳлил этилаётган корхонада баланснинг пассив моддалари таҳлилидан кўринадики, ўз маблағлари манбаларининг улушини камайиб бориши инновацияни жалб этишни ўтган йилга нисбатан камайиб бораётганлигини кўрсатади. Бу ўринда асосий эътибор кам харажат эвазига инновация фаолиятини ташкил этишга йўналтирилиши зарур.

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда таовар моддий захираларини қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиш инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағлар мавжуд эканлиги ёки уни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслигини кўрсатади (9-жадвал).

## 9-жадвал

### 2011 йилда “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг товар-моддий захираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлигининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи (+,-)
1. Ўз маблағларининг манбалари	12812213	15331930	2519717

## 9-жадвалнинг давоми

2. Узоқ муддатли активлар	5167911	9398226	4230315
3. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	7644302	5933704	-1710598
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	0	0	0
5. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	7644302	5933704	-1710598
6. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	2234386	8350627	6116241
7. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	9878688	14284331	4405643
8. Товар-моддий захираларининг жами	5190880	6661637	1470757
9. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (3-8)	2453422	-727933	-3181355
10. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (5-8)	2453422	-727933	-3181355
11. Товар-моддий захираларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (7-8)	4687808	7622694	2934886

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган акциядорлик жамиятида ҳисобот йили бошига нисбатан йил охирида 2519717 минг сўмга ўз маблағлари манбалари кўпайган. Акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли активлари эса йил бошига нисбатан 4230315 минг сўмга ортган. Лекин корхонада жорий йил охирига келиб товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари ҳажми -1710598 минг сўмга камайган. Ўзлик манбаларнинг кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим. Акциядорлик жамиятида жорий йил бошида ва охирида узоқ муддатли мажбуриятлари бўлмаган. Қисқа муддатли мажбуриятлари эса йил бошида 2234386 минг сўм бўлган бўлса, йил охирига келиб 8350627 минг сўмни ташкил этган, яъни қисқа муддатли мажбуриятлари 6116241 минг сўмга кўпайган. Бундай ҳолат эса корхонанинг товар-моддий захираларини қоплашга тегишли манбаларини кўпайишига таъсир этган. Мазкур акциядорлик жамиятида товар-моддий захиралари ҳажми бирмунча юқори

бўлганлиги учун жорий йил бошида ҳам, йил охирида ҳам товар-моддий захиралаини қоплашга ўз манбалари ҳамда ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари -3181355 минг сўмга етарли бўлмаган. Бундан кўринадики, корхонанинг молиявий барқарорлиги жорий йилнинг бошида барқарор ҳолатда бўлиб, йил охирида нобарқарор ҳолатда бўлган. Бундай натижалар бозор иқтисодиёти шароитида унчалик яхши натижа деб ҳисобланмайди. Шу сабабли ҳам, корхона маъмурияти молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, корхонада инновацион бошқарувни такомиллаштиришга ҳам бундай натижа билан эришиб бўлмайди (10-жадвал).

#### 10-жадвал

#### 2011 йилда “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг молиявий коэффициентлари

##### таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1. Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,9	0,6	-0,2
2. Тўлов қобилияти коэффициенти	4,4	1,7	-2,7
3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти	0,2	0,5	0,4
4. Захира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффициенти	1,9	2,1	0,2
5. Маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффициенти	0,8	0,9	0,2

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, акционерлик жамиятининг молиявий аҳолига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансида асосланган ҳолда молиявий коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффициенти йил бошига нисбатан -0,2 коэффициентга камайган. Тўлов қобилияти коэффициенти йил бошига нисбатан 2,7 коэффициентга камайган. Мазкур коэффициентларнинг бундай

тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий йил бошига нисбатан йил охирида бирмунча ёмонлашиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улушини пасайганлигини ҳам ижобий баҳоламоқ лозим, яъни бу корхонанинг мажбуриятларини қисқарганлигидан далолатдир. Маблағлар ҳаракатчанлиги эса йил бошига нисбатан йил охирида 0,2 коэффицентга ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг молиявий коэффицентлари ўрганилганда, ушбу коэффицентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

Тўлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли Ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Корхона баланси маълумотларга асосланиб, тўлов қобилиятининг қай аҳволдаги ҳисобланади. Бунинг учун корхонанинг тўлаш учун зарур бўлган маблағлари билан қарз мажбуриятларини солиштириш мумкин.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдаги тушум ва бошқалар қиради. шунингдек қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларни амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қийматли қоЁоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшимча корхоналарда қатнашишдан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳанат ҳақи, турли хил кредиторларга бўлган ва бошқа турдаги қарзлар қиради. Корхонанинг маълум бир кундаги

тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиштирилади (11-жадвал).

### 11-жадвал

#### “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг тўлов қобилияти таҳлили

Тўлаш учун маблағлар	Ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм	Тўлов қарзлари	ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм
1. Пул маблағлари, яъни кассадаги ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	5430	1. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (қарзлар)	73879,3
2. Валюта маблағлари	0	2. Бюджетга тўловлар бўйича қарзлари	1579,1
3. Қисқа муддатли инвестициялар, бошқа пул маблағлари ва жорий активлар	0	3. солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	0
4. Тайёр маҳсулот	50726	4. Мулкӣ ва шахсий суғурта бўйича қарзлари	0
5. Дебиторлик қарзлари	155856,8	5. Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	2539,8
		7. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	15299,3
		8. қисқа муддатли кредит ва қарзлар	328485,8
		9. Бошқа жорий мажбуриятлар	10696,9
<b>Жами тўлаш учун маблағлар</b>	<b>212012,8</b>	<b>Жами тўлов қарзлари</b>	<b>432480,2</b>
Қарз тўлов мажбуриятларнинг кўплиги	-220467,4	Тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг кўплиги (ортиқчалилиги)	220467,4
<b>Баланс</b>	<b>15046599</b>	<b>Баланс</b>	<b>15046599</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадикӣ, биз таҳлил қилаётган “АВС” акционерлик жамияти жорий даврда тўлов қобилиятига эга ҳисобланади. Яъни, корхонанинг жами тўлов маблағлари 337089 минг сўм бўлгани ҳолда, жами тўлов қарзлари 163147 минг сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадикӣ

корхонада тўлов қарзларига нисбатан тўлов маблағлари 173942 минг сўмга кўп бўлган. Бу эса корхонанинг мутлоқ тўлов қобилиятига эга эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари тўлов маблағлари таркибига эътибор қиладиган бўлсак, унинг асосини тайёр маёсулотлар (167464 минг сўм) ҳамда дебиторлик қарзлари (148125 минг сўм) ташкил қилмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхона айни вақтда тез тўлов қобилиятига эга эмас экан. Тўлов қарзларининг асосини эса мол етказиб берувчилардан бўлган қарзлар ҳамда бошқа шу каби мажбуриятлар ташкил қилмоқда. Бу эса ушбу қарзларни қисқа муддатларда тўлаб беиш лозимлигини билдиради. Корхона маъмурияти тўлов қобилиятини яхшилаш учун мавжуд тайёр махсулотларини сотиш чораларини кўриши ҳамда дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриши лозим бўлади. Акс холда, корхонанинг тўлов қобилияти бунданда ёмонлашиши мумкин.

***Корхонанинг тўлов лаёқатини баҳолашда одатда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:***

- Мутлоқ тўлов лаёқати коэффиценти;
- Оралик тўлов лаёқати коэффиценти;
- Жорий тўлов лаёқати коэффиценти.

Мутлоқ тўлов лаёқати кўрсаткичи корхонанинг жорий активларида ҳаракатчан активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашига етарлилиги ёки етишмаслигини; оралик тўлов лаёқати кўрсаткичи жорий активларда ҳаракатчан ва тез пулга айланадиган активларни тўлов мажбуриятларини қоплашга етарлилиги ёки етишмаслигини; жорий тўлов лаёқати кўрсаткичи эса жорий активларда барча айланма активларнинг тўлов мажбуриятларини тўлашга етарлилиги ёки етишмаслигини тасифлайди.

Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда муқобиллик вариантларини ҳам қўллаш лозим бўлади. Янги очилган ва хали фаолият бошламаган

корхоналарга кредит бериш юзасидан қарор қабул қилишда, унинг бизнес режа кўрсаткичлари ва у бўйича аниқланган тўловга қодирликнинг эхтимоллигига, корхонага мақсадли, марказлашган кредит ресурсларининг туширилишига, техник лойихалар асосида кредит ажратилиши ва хакозоларга ахамият берилиши муҳимдир (12-жадвал).

## 12-жадвал

### 2011 йилда “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг ликвидлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Фарқи
1. Мутлоқ тўлов лаёқати коэффиценти	1,049	0,107	-0,942
2. Оралиқ тўлов лаёқати коэффиценти	2,090	0,909	-1,181
3. Жорий тўлов лаёқати коэффиценти	4,421	1,711	-2,711

Жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, жамиятда йил охирига мутлоқ тўлов лаёқати коэффиценти йил бошига нисбатан -0.9 бирликка камайган. Шу давр учун оралиқ ва жорий тўлов лаёқати эса мос равишда 1.1 ва 2.7 бирликка пасайган. Тўлов лаёқатининг пасайишига сабаб, корхонада йил охирида жорий мажбуриятнинг ўсиши жорий активларнинг ўсишига нисбатан юқори бўлганлигидир.

Бу коэффицентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида хар бир ёки минг сўмлик захира ва

харажатлар хисобига олинган ялпи махсулот, соф тушум ва хисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади (13-жадвал).

### 13-жадвал

#### “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг айланма маблағлар айланишининг таҳлили

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йил	Хисобот йили	Фарқи (+;-)
1. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўмда	35231855,0	36659884,0	1428029,0
2. Жами товар – моддий захиралари, минг сўмда	5190880,0	6661637,0	1470757,0
3. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш коэффициенти (1\2)	6,8	5,5	-1,3
4. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш даври, кун хисобида	53,8	66,3	12,5
5. Айланиш салмоғи коэффициенти (2\1)	0,1	0,2	0,0

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил этилаётган акционерлик жамиятида жорий йилда махсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 1428029 минг сўмга ортган. Бунга мос равишда товар-моддий захираларининг қиймати ҳам 1470757 минг сўмга ўсган. Буларнинг натижасида товар-моддий захираларининг айланиш коэффициенти ўтган йилги 6,8 коэффициентдан хисобот йилига келиб 5,5 коэффициентга пасайган. Айланиш даври эса ўтган йилга нисбатан 12,5 кунга ортган, яъни пасайган.

Корхонада айланма маблағларнинг айланувчанлигини секинлашуви корхонани бозордаги харакатчанлигини камайиб бораётганлигини кўрсатади.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин (14-жадвал).

**“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда молиявий натижаларнинг таркиби,  
тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунгача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Суммадаги	Салмо-ғидаги
1. Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	25074292	396,1	36659884	807,9	11585592	411,8
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	-3932358	-62,1	-4237576	-93,4	-305218	-31,3
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	6225205	98,3	4789087	105,5	-1436118	7,2
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	6330648	100,0	4537626	100,0	-1793022	0
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	0	0	0	0	0	0
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	6330648	100,0	4537626	100,0	-1793022	0
7. Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	1035785	16,4	551799	12,2	-483986	-4,2
8. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	5294863	83,6	3985827	87,8	-1309036	4,2

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖда махсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда йил бошига нисбатан йил якунида 11585592 минг сўмга кўпайган бўлиб, 36659884 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич соф фойдага нисбатан қарийиб 8 баробарга кўп. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси эса таҳлил қилинаётган даврда 1436118 минг сўмга камайган. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси ҳам 1793022 минг сўмга камайган бўлиб, йил бошида 6330648 минг сўмни ва йил охирида 4537626 минг сўмни

ташқил қилган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси йил якунида 1309036 минг сўмга пасайган. Корхона молиявий натижаларининг пасайишига таъсир кўрсатган омил корхонани бошқа ҳудудга кўчиши билан боғлиқдир.

Молиявий натижаларнинг корхонадаги ёмонлашуви “Фарғона ёғ-мой” ОАЖ учун инновацияларни тадбиқ этишда қўшимча манбаларни топишда қийинчиликни вужудга келтиради.

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган рентабеллик кўрсаткичларининг айримларини қуйидаги жадвал мисолида таҳлил қилиб чиқамиз (15-жадвал).

### 15-жадвал

#### “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Утган йили	ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1. Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	35231855,0	36659884,0	1428029,0
2. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	25074292,0	27633221,0	2558929,0
3. Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	6225205,0	4789087,0	-1436118,0
4. Соф фойда, минг сўм	5294863,0	3985827,0	-1309036,0
5. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	4069246,0	8445527,0	4376281,0
6. Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	9860964,0	14255682,0	4394718,0
7. Корхонанинг жами мулки, минг сўм	15046599,0	23682557,0	8635958,0
8. Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	12812213,0	15331930,0	2519717,0
9. Қарз маблағлари, минг сўм	2234386,0	8350627,0	6116241,0
10. Махсулот сотиш рентабеллиги, %	15,0	10,9	-4,2
11. Асосий воситалар рентабеллиги, %	130,1	47,2	-82,9
12. Оборот маблағлари рентабеллиги, %	53,7	28,0	-25,7
13. Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги, %	21,1	14,4	-6,7
14. Ўз маблағлари рентабеллиги, %	41,3	26,0	-15,3
15. Мол-мулк рентабеллиги, %	35,2	16,8	-18,4

16. Умумий рентабеллик, % $(4\{5+6\}) * 100$	38,0	17,6	-14,9
17. Қарз маблағлари рентабеллиги, %	237,0	47,7	-189,2

Корхона хўжалик фаолиятининг охириги натижаси рентабеллик кўрсаткичи бўл иб ҳисобланади. Корхонада бухгалтерия баланси йил якунида ортган бўлишига қарамасдан, корхонанинг молиявий натижалари харажатларни ортиб кетиши ҳисобига ёмонлашганлиги маълум бўлди. Табиий ҳолда ушбу вазият корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топади. Яъни рентабелликнинг барча кўрсаткичларида ҳисобот даврида тушкунлик ҳолати кузатилган. Маҳсулот сотиш рентабеллиги 4.2, асосий воситалар рентабеллиги 82.9, айланма маблағлар рентабеллиги 25.7, таннарх рентабеллиги 6.7, ўз маблағлари рентабеллиги 15.3, мол-мулк рентабеллиги 18.4, умумий рентабеллик ва қарз маблағлари рентабеллиги мос равишда 14.9 ва 189.2 фоизга камайган. Бу ҳолни корхонада давом этиб бориши инновацион фаолиятни ташкил этиш ишларига салбий таъсир кўрсатади. Чунки корхонада мавжуд бўзлган технологик жараённинг асосий воситалари жуда эски ва маънавий эскирган ҳисобланиб, замон талабаларига жавоб бермайди.

Хозирда корхонадаги барча цех, хўжалик ва участкаларда фойдаланилаётган жиҳозлар 1952 йилдан бошлаб 60, 70-йилларнинг ҳам жиҳозларидан фойдаланиб келинмқда. Корхонада тезкорлик билан реконструкция ишларини амалга ошириш лозим. Бу ҳолат корхонаа инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришга ва корхонада инновацион стратегияни ишлаб чиқишга туртки бўлиб хизмат қилади. Қуйида корхон цех ва хўжаликларида фойдаланилаётган жиҳозлар ҳақидаги умумий маълумот ва таҳлиллар келтирилади (–илова).

Тайёрлов бўлимининг ўзида 4 номдаги жиҳозлар келтирилган бўлиб, пневматик тозалов жиҳози 1952 йилда ишлаб чиқарилган. Унинг суткалик куввати 120 тонна. Кейинги жиҳоз диски тозалагич бўлиб, 1988 йилда

ишлаб чиқарилган, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Иккитали силташ жиҳози ҳам 1988 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, уни ҳам суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Бўлимдаги охириги жиҳоз биттер сеператори бўлиб, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна, 1988 йилда ўрнатилган.

Рафинация ёғини ишлаб чиқарувчи цехда форпресс ёғини нейтрализатори 1952 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, шу кунга қадар корхонада фойдаланиб келинмоқда. Ушбу цехда яна учта жиҳоз 1966 йилда ишлаб чиқаришга жалб этилган. Бошқа барча цехларда ҳам шунга ўхшаш эски маънавий эскириб қолган жиҳозлардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун корхонада инновацияларни бошқарувини такомиллаштириш ва ўзига хос инновацион стратегияни ишлаб чиқиш лозим.




### **III Боб. “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш**

#### **3.1. “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион лойиҳалар бошқарувини рационаллаштириш**

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг умумий иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ўрганилганда корхонада инновация бошқарувини такомиллаштириш ва уни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг ички манбалари йилдан-йилга камайиб бораётганлиги маълум бўлди. Аммо корхонани бозордаги мавқеи ва барқарор истеъмолчилар сегментига эга эканлигини ва 2015 йилдан тўла қувват билан ишлашни ҳисобга олганда, корхона келажакда инновация фаолияти бошқарувини молиялаштириш имконияти вужудга келади. Аммо корхонадаги маънан ва жисмонан эскирган асосий восита ва жиҳозлар корхонани келажакда тўла қувват билан ишлашига монелик қилиши мумкин. Лекин ушбу шароитда корхонада мазкур жиҳозларни сотиб олиш имконияти йўқлигини ва тўлов қобилияти тушиб бораётганлигини ҳисобга олинса, тезкорлик билан янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этилишини бошқариш ва назоратга олиш зарур. Бунинг учун корхонада инновацион лойиҳалар бошқарувини рационаллаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш талаб қилинади.


“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва реализация қилиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши тавсия этилади (14-расм).

Қуйида кўрсатиб ўтилган инновация лойиҳалари босқичи кетма-кетликда қўлланилса, корхонада инновациялар бошқарувини режалаштириш ва амалга ошириш ишларини такомиллаштириш имкониятлари ортади.



**14-расм. Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалиётга тadbик этиш босқичлари**

Таҳлил этилаётган корхонада инновацион лойиҳаларни амалга оширишга шароит яратиш дастлабки босқич ҳисобланиб унда корхонада ғояларни амалга оширишни оптимал вариантини танлаш зарур. Бунинг учун корхонада инновация фаолиятини амалга ошириш ва зарурий ғояларни ишлаб чиқиш учун шароит ва имкониятларни очиш керак (15-расм).



**расм. Инновацион фаолиятни ташкил этиш жараёни**

Юқоридаги расмдан кўринадики, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖнинг бугунги вазиятидан келиб чиқиб дастлабки босқични кам харажатлик эвазига ташкил этиш лозим. Унда тадбирлар ижтимоий, ташкилий, иқтисодий ва интеграцион йўналишларда амалга оширилади. Бу боғланиш корхонада инновацион ғояларни пайдо бўлишига шу турдаги тадбирлар ёрдамида шароит ажратишга қаратилган бўлади. Ғояни амалга оширишга дастлабки шароит инновация ғоялари тадбирини амалга ошириш бўлса, кейингиси, ғояларни амалиётга тадбиқ этиш ва уни молиялаштириш бўлиб, циклнинг охириги босқичи корхоналараро тажриба алмашишдир.

Кейинги босқичи танланган инновация ғоясини тадқиқот қилиш ҳисобланади. Унда инновацион ғояни амалга оширишнинг барча таваккалчилик томонлари ўрганилади. Агар икки ва ундан ортиқ ғоялар танланган бўлса, уларнинг рентабеллиги таҳлил қилинади. Энг юқори натижа берган ғоя танланади ва амалиётга тадбиқ этилади.

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда бундан ташқари инновацион тўғарақларни ташкил этиш ҳам тавсия этилади. Бундай тўғарақларнинг ташкил этилишидан аввал хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим. Бунинг учун Япония тажрибасига эътиборни қаратамиз.

Япониянинг бугунги муваффақияти асосида ишлаб чиқариш жараёнини илмий ташкил этилиши ва маҳсулот сифатини ошириш ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйилиши сабаб бўлган. Бунда, илк пойдеворни Токио университети профессори Каору Исикава 1962 йилда “Сифат тўғараги” концепциясини ишлаб чиқиш билан қўйган эди. Японияда бу соҳа кейинги йилларда жуда ҳам оммалашиб борган ва юз минглаб тўғарақлар ташкил этилган. Мазкур тўғарақларнинг самараси маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, маҳсулот сифатини кам харажат эвазига ошириш тадбирлари ишлаб чиқилган ва рағбатлантирилган.

Республикамиз саноат корхоналарига ҳам шундай тўғараклар самарасидан фойдаланишни тавсия этилади. Мазкур тўғараклар фақатгина сифатни эмас балки, инновацияга алоқадор бўлган барча фаолиятни тадқиқ этади. Уни “Инновацион тўғараклар” деб аташ мумкин.

**Инновацион тўғараклар қуйидаги хусусиятларни эътиборга олиб ташкил этилади:**

- Тўғарак кўнгиллилик принципи асосида ташкил этилади;
  - Унинг аъзолари корхонанинг энг илғор, тажрибали ва ёш билимли ишчиларидан иборат бўлади;
  - Инновацион тўғаракларда қатнашувчилар сони корхонанинг катта ёки кичиклигидан келиб чиқиб беш нафардан 50 нафаргача бўлиши мумкин;
  - Ўн нафардан ортиқ аъзолари бўлган корхоналарда тўғарак гуруҳлар бўйича бўлинади;
  - Тўғарак етакчилари бригадир, мастер, усталардан иборат бўлади;
- Инновацион тўғарак қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:
- Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товар ва хизматларни сифатини ошириш ва таннархини камайтириш тадбирлари;
  - Фойдаланилаётган асосий воситалар, техника ва жиҳозларнинг самарадорлигини ошириш тадбирлари;
  - Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, корхонада ижобий меҳнат муҳитини шакллантириш ва меҳнат жараёнларини автоматизация ҳамда механизациялаш тадбирлари;
  - Ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини унификациялаш;
  - Меҳнат нормаларини танқидий қайта кўриш ва зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;
  - Технологик жараёнларни оптималлаштириш билан боғлиқ йўриқнома, регламент ва низомлар тайёрлаш;

– Ишлаб чиқариш жараёнини илмий ташкил этиш мақсадида таълим, ишлаб чиқариш ва инновация учлиги билан боғлиқ масалаларни такомиллаштириш;

– Паст рентабел ишлаб чиқаришларни ликвидация қилиш ва ш.к.

Инновация тўғараклари аниқ иш режа асосида фаолият олиб боради. Ҳар бир дебатлар, муҳокамалар мавзулари етакчилар томонидан аввалдан аъзоларга тарқатиб, кун тартибидаги мазкур масалалар юзасидан уларга тайёрланишга имконият туғдирилади. Тўғаракда кўриладиган мавзулар бир йилда икки-учтадан ошмаслиги тавсия этилади. Тўғаракни юритиш билан боғлиқ асосий муаммо ходимлар масъулиятини ташкилий-фармойиш ва ижтимоий психологик бошқарув усуллари орқали жонлантириш ҳисобланади. Сабаби, тўғарак аъзоларига иштироклари учун ҳақ тўланмайди.

Инновацион тўғараклар самарадорлиги қуйидагича тавсифланади:

– Тўғарак фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш бўйича даврий қўлланмалар тайёрланиб ишчиларга фойдаланиш учун тарқатилиб боради;

– Ишчиларни ижодий қобилиятини намоён этиш имконияти вужудга келади;

– Корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, инновациялар трансфери амалга оширилади;

– Меҳнат муҳити, муносабатлари яхшиланади. Ишчиларни ҳамжиҳатликда илмий фаолият билан шуғулланиши жамоавий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади;

– Кам харажат ҳисобига фойдани ошириш имконияти вужудга келади.

Инновацион тўғараклар самарадорлигини яна давом эттириш мумкин. Чунки, бу фаолиятни саноат корхоналарида тўғри ташкил эта олиш бошқарув қарорлари самарадорлигини оширибгина қолмай, менежментнинг кам

харажат кўп самарадорлик тамойилига тўла амал қилинади. Уни саноат корхоналарига тадбиқ этиш Республика иқтисодиётини ҳам юксалишига, бошқарувни илмий ташкил этишига ҳам муносиб таъсир кўрсатади.

### **3.2. “Фарғона ёғ – мой” ОАЖда инновацион стратегияларни танлаш ва амалга ошириш ишларини такомиллаштириш**

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда инновация фаолиятини амалга ошириш учун танланган йўналишлардан ташқари инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ҳам муҳим саналади. Стратегия танлаш инновация фаолияти муваффақиятининг кафолати ҳисобланади. Агар фирма атрофда юз бераётган ўзгаришларга бепарво бўлса ёки уни вақтида сезиб, тегишли чора-тадбир кўрсатмаса, фирма фаолияти инқирозга юз тутиши мумкин.

Стратегия танлаш инновацион менежментнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида сифати маҳсулотга эга бўлмаган корхона раҳбарлари янги технология пайдо бўлишини кузатиб бориш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун алоҳида эътибор бериши лозим, чунки бозор учун рақобатбардош маҳсулотларни яратиш илмий техника ютуқларидан қай даражада фойдаланишга боғлиқ.

Стратегияни қарор қабул қилиш жараёни сифатида қараш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсад (объект) аниқланади ва уни амалга ошириш воситаси (қарорлар қабул қилиш) белгиланади.

Стратегия рақобатчига нисбатан корхонани (фирмани) ҳаётчанлигини, кудратини, мустаҳкамлашга қаратилган ўзаро алоқадор ҳолатлар мажмуидир. Бу мақсадга эришишнинг атрофлича таҳлил қилинган, ўрганилган режасидир.

Стратегик режалаштиришнинг зарурлигини тан олаётган фирма ва корхона сони кўпайиб-бормоқда. Бу рақобат кучайиб бориши билан бевосита

боғлиқдир. Бугунги кун талаби билан яшаб бўлмайди. Узоқни мўлжаллаб, мумкин бўлган ўзгаришларни режалаштириб рақобатда ютиб чиқиш имкониятларидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш давр талабидир.

Стратегияни танлаш тадқиқотларини олиб бориш, янги маҳсулотларни яратиш ва бошқа инновация шакллари билан бевосита боғлиқдир.

Стратегияни режалаштириш иккита мақсадни кўзлайди:

**1.** Ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш. Бу "ички стратегия" деб ном олган. Ресурслардан (молий маблағлари, ишчи кучи, технология) фойдаланиш режалаштирилади. Бундан ташқари мақсадга мувофиқ бўлмаган тармоқларнинг барҳам топиши янги тармоқлар учун корхоналарни сотиб олиш, корхонанинг самарали "портфелига" эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

**2.** Ташқи муҳитга мослашиш. Иқтисодий, сиёсий, демографик ўзгаришларга мослашишни таъминлаш вазифаси қўйилади.

Стратегик режалаштириш кўпгина тадқиқот ишларини олиб бориш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида бозорни доимо назорат қилишни тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки ҳозирги пайтда, ўзгаришлар шиддат билан ўсиб бормоқда. Шу билан бирга стратегия шундай ишлаб чиқилиши лозимки, натижада уни бошқаси билан алмаштириш имкони бўлиши керак.

Стратегияни ишлаб чиқиш ташкилотнинг умумий мақсадини аниқлаш билан бошланади. Мақсадни аниқлашда фирма ёки корхонанинг ташқи муҳит, бозор, истеъмолчи билан алоқасини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ташкилотнинг умумий мақсадини аниқлашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим бўлади.

**1.** Фирма фаолиятининг асосий йўналиши;

2. Ташқи муҳит билан муносабат (сотиш принципи, истеъмолчига муносабат, алоқа қилиш тизими);

3. Ташкилот маданияти, (унинг анъаналари, ходимлар ўртасидаги муносабат).

Мақсадни танлашда иккита йўналишни аниқлаш лозим. Фирманинг миждози (харидор) ва унинг эҳтиёжини қондириш даражаси.

Умумий мақсад аниқлангандан кейин стратегик режалаштиришнинг иккинчи босқичи бошланади ва мақсадларга аниқликлар киритилади. Масалан, бу мақсадлар (асосий) қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Жорий йилда фирма фойдасини 5 млн. сўмга етказиш;

2. Бозор (сотиш ҳажми, бозор улуши, янгиликни жорий этилиши);

3. Меҳнат унумдорлиги, масалан, бир ишчининг бир соатлик ўртача иш ҳажми 8 маҳсулотни ишлаб чиқиш;

4. Маҳсулот (умумий ҳажми, янги товарни ишлаб чиқиш ёки баъзи бир моделларни ишлаб чиқаришдан олиш ёки ишлаб чиқаришни таъқиқлаш ва бошқалар);

5. Молиявий ресурслар (капитал ҳажми ва структураси, шахсий ва қарзга олинган капитал нисбати, оборот капитали ҳажми ва бошқалар);

6. Ишлаб чиқариш қуввати, бинолар ва иншоотлар. Масалан, 4000 кв м ҳажмдаги омборхонани қуриш.

7. Илмий-техника, ташкилий-конструкторлик ишлари ва янги технологияларни жорий этиши (асосий кўрсаткичлар, технологик тавсифномалар қиймати);

8. Ташкил этиш - ташкилий структурада ва фаолият соҳасидаги ўзгаришлар. Масалан, маълум минтақада фирма ваколатхоналарини очиш;

9. Инсон ресурслари (ундан фойдаланиш, меҳнат ресурслари ҳаракати, ўқитиш ва бошқалар).

10. Социал жавобгарлик, масалан, шифохонани жиҳозлаш учун ускуналар ажратиш.

Мақсадни тўла амалга ошириш учун уни аниқлашда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш лозим:

а) мақсад-қиймат, натурал ёки меҳнат сарфи кўринишида аниқ ифодаланиши лозим;

б) ҳар бир мақсаднинг бажарилиши муддати вақт нуқтаи-назаридан чекланган бўлиши керак (масалан, учинчи кварталга қадар янги буюмни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш).

Мақсадлар узоқ муддатли (10 йил), ўрта муддатли (5 йилгача) ва қисқа муддатли (1 йилгача) бўлади. Мақсадлар вазиятга назорат натижаларига қараб ўзгаради;

в) мақсад умуман олганда амалга ошириладиган бўлиши керак;

г) мақсадлар бир-бирини инкор этмаслиги даркор. Стратегик таҳлил фирма фаолиятининг ҳам ички, ҳам ташқи муҳитини атрофлича таҳлил қилишни кўзда тутлади;

д) режалаштирилган даврда рўй берадиган ёки рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар баҳоланади;

е) фирма позициясига хавф-хатар келтирувчи омиллар аниқланади;

ж) фирма фаолиятига ижобий таъсир этувчи омиллар аниқланади.

Ташқи муҳитдаги рўй бераётган ўзгаришлар ва жараёнлар фирма ҳаётий фаолиятига катта таъсир этади. Ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган асосий омиллар иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, рақобат. Энг муҳим омил рақобат ҳисобланади. Шу муносабат билан асосий рақобатчиларни аниқлаш ва уларнинг бозордаги позициясини (бозор улуши, сотиш ҳажми, мақсади ва бошқалар) аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун қуйидаги йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришни мақсадга мувофиқ деб

ҳисоблаймиз:

1) Рақобатчининг жорий стратегиясини баҳолаш (бозордаги ҳулки, товарлар ҳаракати усуллари ва бошқалар);

2) Рақобатчиларга ташқи муҳитнинг таъсирини тадқиқот қилиш;

3) Рақобатчиларнинг илмий-техник ишланмалари тўғрисидаги маълумотларни йиғишга ҳаракат қилиш, келажакда уларнинг ҳаракатини билиш ва унга қарши тадбирларни мўлжаллаб қўйишдан иборат.

Рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонларини атрофлича ўрганиш ва улар ўз шахсий натижалари билан таққослаш, рақобат кураши стратегияси тўғрисида яхшироқ фикрлаш имконини беради.

Ташқи муҳитнинг жиддий омилларидан бири ижтимоий-ҳулкий ва экологик омиллар ҳисобланади. Фирма демографик вазиятни ёки бу соҳадаги ўзгаришларни ҳам инобатга олиши лозим. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатувчи кадрларни тайёрлаш менежмент ва маркетинг фанидан қўлланмалари ва дарсликларга бўлган эҳтиёжни ўсиб боришига олиб келади.

Ички муҳитни таҳлил қилиш фирма фаолиятининг кучли ва ожиз томонларини атрофлича таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.


Стратегия, назарий ва эмпирик (амалий) тадқиқотлар олиб боришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ташкилот ва унинг раҳбарлари бир-биридан қанчалик муҳим қарорлар қабул қилиши билангина эмас, балки янгиликлардан фойдаланиш даражасига қараб ҳам фарқланади. Агар юқори раҳбарият янгиликларни қабул қилишига ижобий муносабатда бўлса уни жорий этиш эҳтимоли юқори бўлади. Юқори раҳбариятнинг қарорлар қабул қилишига кўпроқ жалб қилиниши билан стратегик ва молиявий мақсад аҳамияти ўсиб боради (16-расм).



**16-расм. “Фарғона ёғ-мой” ОАЖда стратегик режалаштириш босқичлари**

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган корхонада инновацияларни жалб этишда стратегик режалаштириш ва уни амалга ошириш асосан А, Б, В босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Унда дастлабки босқичда стратегияни танлаш учун мақсад аниқланади. Сўнг стратегияга маъно ва мазмун ҳамда шакл берилади. Бу босқичда стратегияни амалга оширишнинг муддати, масъуллари ва амалга ошириш учун бажариладиган тадбирлар режалаштирилади. Учунчи сўнги босқичда стратегияни ташкиллаш билан боғлиқ ишлар тактик жихатдан амалга оширилади ва у назоратга олинади. Зарурат туғилганда уни тактик жихатдан янгилаб турилади.

Ишлаб чиқилган стратегия кам ҳолатларда норасмий бўлади. Стратегияни амалга ошириш қуйидаги расмда берилган (17-расм).



## 17-расм. Стратегияни аниқлаш

Инновацион менежмент стратегиясини танлаш маҳсулот ҳаётий циклини аниқлашнинг асосини ташкил этади ва у фирма бозор позициясига ҳамда илмий-техника сиёсатига боғлиқ бўлади.

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖда инновация стратегияларни танлашда қуйидаги усуллардан бирини танлаши мумкин:

1. Хужумкор-бу тадбиркорлик рақобати принципига амал қиладиган фирма фаолиятига оид стратегия ҳисобланади. У кичик инновация фирмалари учун хос бўлган хусусиятдир.

2. Мудофаа-мавжуд бозорларда фирманинг рақобат позициясини ушлаб туришга қаратилган. Бундай стратегиянинг бош вазифаси "харажат-натижа" нисбатларини фаоллаштириш ҳисобланади. Бундай стратегия илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини олиб боришни тақозо этади.

3. Иммитация (ўхшаш) - бу стратегия технологик ва бозор позицияси кучли бўлган фирмалар томонидан қўлланилади, у ёки бу янгиликлар бўйича пионер бўлмаган корхоналар томонидан бу стратегия қўлланилади Бунда етакчи фирмалар ёки майда инновация фирмалари томонидан бозорга олиб чиқилган янгиликларнинг асосий истеъмол хусусияти қабул қилинади.

Фикримизча, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖда инновацион стратегия усулини танлашда корхона томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларнинг ассортиментини эътиборга олиш лозим. Бунда бозорда кам сотиладиган кичик ҳажмдаги товарлар учун хужум стратегиясини танлаш зарур. Харажатлари ортиб борётган ва ишлаб чиқариш таннархи ошган маҳсулотлар учун мудофаа стратегиясини ҳамда янги инновацион маҳсулотлар учун иммитация стратегиясини танлаш зарур.

## ХУЛОСА

Инновация - сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “янгиликни жорий этиш” деган маънони англатади. Янгилик деганда янги тартиб, янги одат, янги усул, ихтиролик, янги воқеликни тушуниш, янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этишни тушунилади. Янгиликни пайдо бўлиши ва унинг тарқалиши билан боғлиқ бўлган жараён инновация жараёни деб аталади. Бозорга янгиликнинг кириб келиши янгиликнинг тижоратланиши дейилади. Янгиликнинг пайдо бўлиши билан унинг ҳаётга тадбиқ этилиши ўртасидаги давр инновация даври дейилади.

Амалиётда янгилик, янгиликни жорий этиш ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни эшитиш мумкин. Ҳар қандай ихтирочилик, янги воқелик, хизмат тури ёки усули кенг тарқалганда яъни тижоратлашганда тан олинадиган ва янги сифат кўринишда намоён бўлади.

Инновация жараёни кенгроқ тушуниш учун уни ҳар хил позицияда ва деталлаштириш даражасида қараш лозим.

Биринчидан, изчилик билан бирга илмий-тадқиқот, илмий техник, инновация ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингни амалга оширишдир.

Иккинчидан янгиликни вақтинчалик ҳаёт даври, яъни ғоянинг пайдо бўлиши, ҳаётга тадбиқ этилиши ва кенг тарқалиши сифатида қараш мумкин. Бундай шароитда у инновацион лойиҳа сифатида намоён бўлади, хусусий ҳолда эса хўжалик ҳаётига инвестиция лойиҳаларининг кенг жорий этилиши сифатида қаралади.

Инновацион сиёсат деганда, айниқса илмий-техник соҳаларда, мувофиқ янгиликларни жорий этиш орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва экологик тавсифга эга тадбирлар тизими тушунилади.

Умуман олганда, инновацияларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлатнинг ролини қуйидаги жиҳатлар орқали ифодалаш мумкин:

- давлат илм-фанни, шу жумладан амалий илм соҳасини ривожлантириш ва илмий ва муҳандис кадрларни (инновацион ғояларнинг асосий манбаи) тайёрлашга ёрдам беради;

- жуда кўп ҳукумат идоралари доирасида бизнеснинг инновацион фаоллигини оширишга йўналтирилган турли-туман дастурлар мавжуд;

- давлат буюртмалари, кўпроқ ИТТКИ ўтказишга шартномалар кўринишидаги буюртмалар, жуда кўплаб янгиликлар учун дастлабки талабни таъминлаб беради, шундан сўнг у мамлакат иқтисодиётида кенг қўлланилади;

- давлат томонидан татибга солишнинг фискал ва бошқа элементлари ташқи муҳитнинг рағбатлантирувчи таъсирини юзага келтиради (улар алоҳида фирмаларнинг инновацион ечимларининг самарадорлиги ва заруриятини таъминлайди);

- давлат академик ва амалий илм-фан ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш ишларида воситачи вазифасини бажаради, саноат компаниялари ва университетларнинг ИТТКИ соҳасидаги кооперациялашувини жадаллаштиради.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари:

- инновацион фаолият, уни жадаллаштириш механизмлари, институционал ўзгаришлар тизимлари, инновацион соҳадаги интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни хўжалик айланмасига жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий сиёсатини ишлаб чиқиш ва мукамаллаштириш;

- инновацион фаолиятни комплекс қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- фан сиғими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошлигини ва экспортини ошириш;

- ахборот таъминоти тизими, экспертиза тизими, молиявий-иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш-технологик ёрдам, сертификация ва ишланмаларни ҳаракатлантириш тизими, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими билан биргаликда инновацион жараёнлар инфратузилмасини ривожлантириш;

- юқори технологик кичик ташкилотлар тузиш ва уларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун ижобий шароитлар яратиш ва фаолиятининг давстлабки босқичларида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш йўли билан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш;

- инновацион лойиҳа ва дастурларни конкурс тизими асоси танлаб олишни янада мукамаллаштириш. Иқтисодиёт тармоқларида нисбатан катта бўлмаган ва ўзини тез қоплайдиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва бунинг учун хусусий инвесторларни жалб этиш ва давлат томонидан ёрдам кўрсатиш нисбатан истиқболли ишлаб чиқариш ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларга хусусий инвестицияларнинг келишини кучайтиришга ёрдам беради;

- муҳим тармоқлар ва ишлаб чиқаришларда давлат инновацион сиёсати жаҳон аҳамиятига эга маҳаллий ва хорижий илмий-техник ва технологик ютуқларни ўзлаштиришни жадаллаштириш, табиий ресурслар такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши керак.

Вилоятлар бўйича жами 50 та ишлаб чиқариш корхоналари инновацияларни ярмарка асосида ўз фаолиятида ташкил этган бўлиб, жами тадбиқ этилган инновациялар сони 98 тани ташкил қилади. Фарғона вилоятида жами 4 та корхонада 4 та инновацион лойиҳа амалга оширилган бўлиб, режа 100 фоизга бажарилган. Бу йўналишда ҳам энг катта кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келади. Яъни бу ҳудудда жами 10 та корхонада 11 та инновация лойиҳалари амалга оширилган. Энг паст кўрсаткич Наманган вилоятига тегишли бўлиб, инновацион ярмаркалар доирасида бирорта ҳам

шартнома тузилмаган ва ам алга оширилмаган. Андижон вилоятида 5 та корхонада 36 та инновацион янгиликлар жорий этилган.

Хозирда корхонадаги барча цех, хўжалик ва участкаларда фойдаланилаётган жиҳозлар 1952 йилдан бошлаб 60, 70-йилларнинг ҳам жиҳозларидан фойдаланиб келинмоқда. Корхонада тезкорлик билан реконструкция ишларини амалга ошириш лозим. Бу ҳолат корхонаа инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришга ва корхонада инновацион стратегияни ишлаб чиқишга тўртки бўлиб хизмат қилади. Қуйида корхон цех ва хўжаликларидан фойдаланилаётган жиҳозлар ҳақидаги умумий маълумот ва таҳлиллар келтирилади (–илова).

Тайёрлов бўлимининг ўзида 4 номдаги жиҳозлар келтирилган бўлиб, пневматик тозалов жиҳози 1952 йилда ишлаб чиқарилган. Унинг суткалик қуввати 120 тонна. Кейинги жиҳоз дискли тозалагич бўлиб, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Иккитали силташ жиҳози ҳам 1988 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, уни ҳам суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Бўлимдаги охириги жиҳоз биттер сеператори бўлиб, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна, 1988 йилда ўрнатилган.

Рафинация ёғини ишлаб чиқарувчи цехда форпресс ёғини нейтрализатори 1952 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, шу кунга қадар корхонада фойдаланиб келинмоқда. Ушбу цехда яна учта жиҳоз 1966 йилда ишлаб чиқаришга жалб этилган. Бошқа барча цехларда ҳам шунга ўхшаш эски маънавий эскириб қолган жиҳозлардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун корхонада инновацияларни бошқарувини такомиллаштириш ва ўзига хос инновацион стратегияни ишлаб чиқиш лозим.

Инновацион тўғараклар самарадорлиги қуйидагича тавсифланади:

– Тўғарак фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш бўйича даврий кўлланмалар тайёрланиб ишчиларга фойдаланиш учун тарқатилиб боради;

– Ишчиларни ижодий қобилиятини намоён этиш имконияти вужудга келади;

– Корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, инновациялар трансфери амалга оширилади;

– Меҳнат муҳити, муносабатлари яхшиланади. Ишчиларни ҳамжиҳатликда илмий фаолият билан шуғулланиши жамоавий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади;

– Кам харажат ҳисобига фойдани ошириш имконияти вужудга келади.

Фикримизча, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖда инновацион стратегия усулини танлашда корхона томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларнинг ассортименти эътиборга олиш лозим. Бунда бозорда кам сотиладиган кичик ҳажмдаги товарлар учун хужум стратегиясини танлаш зарур. Харажатлари ортиб борётган ва ишлаб чиқариш таннархи ошган маҳсулотлар учун муҳофаа стратегиясини ҳамда янги инновацион маҳсулотлар учун иммитация стратегиясини танлаш зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1998 йил 30 апрел.
2. “Инвестициялари фаолияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998й 24 декабр
3. “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни 1994 йил 5 май
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
6. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 156 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

10. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзи. // Халқ сўзи, 2010 йил 1 сентябрь.
11. Бочкарева Т.А. Зарубежный опыт государственного стратегического управления инновациями. М.: «Перспектива», 2007г.
12. Вчерашний Р., Сухарев О. Инновации — инструмент экономического развития // Инвестиции в России. 2006. № 10. С.28.
13. Воронин С.А. Совершенствование механизма ценообразования и налогообложения как предпосылка устойчивого развития экономики. Т., 2009.
14. Воронин С.А. Налогообложение как инструмент стимулирования инноваций. // «Общественные науки в Узбекистане», №1, 2009г., с.29-34.
15. Гириянский В. Инновационные итоги. О первой республиканской ярмарке инновационных идей и проектов. Экономическое обозрение. 2008. №5. 48с.
16. Джумабоев А.Б. и др. Некоторые инновационные проблемы интеграции вузовской науки с малыми и промышленными предприятиями. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябрь, Тошкент. 2008. 109б.
17. Глазьев С.Ю. Развитие Российской экономики в условиях глобальных технологических сдвигов. М.: Наука, 2010г
18. Глазьев С., Аюфова З. Россия и ВТО: преимущества и потери. //Наш современник. 2005. № 2.
19. Глазьев С.Ю. Мировой экономический кризис как процесс замещения доминирующих технологических укладов. М.: Наука, 2009
20. Глухарев К.А. Источники финансирования инвестиционно-инновационной деятельности. // Инновации. 2008. - №6.

21. Голиченко О.Г. Национальная инновационная система России: состояние и пути развития. М.: Наука, 2006.
22. Гончарова Е. Б. Глобализация как механизм формирования национальной системы инновационного развития региона. // Инновации. 2007. № 7. С. 55.
23. Грачева Н.В. Системный подход к построению модели макрорегулирования инновационно-инвестиционного и общественного развития. М.: Ноосфера, 2005
24. Громеко В.И. США: научно-технический потенциал. М.: Мысль, 2007.
25. Гулямов С.С. Илм-фан–иктисодий-ижтимой ва маънавий-маърифий юксалиш омили. Т.: 2008.
26. Друкер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. М., 1992. С. 30-45. 150
27. Дудченко В.С. Основы инновационной методологии. М.: 2001. С. 35-36
28. Доклады Института Европы. //Ин-т Европы; № 197. 2008г.
29. Доклад о мировом развитии 2004 года, как повысить эффективность услуг для бедного населения. Перев.с англ. М., Изд. Весь мир, 2005, 352с, <http://www.infra-m.ru>
30. Доклад о развитии человеческого потенциала в странах Европы и СНГ, М., Изд. Права человека, 2006, 114 с. <http://www.UNDP.PRQO/RBEC>
31. Зейналова Л.А. Инвестиционные приоритеты структурных преобразований в промышленности в условиях рыночных отношений. Автореф.дис. на соиск.уч.ст. к.э.н. Баку, 2005, 25 с.
32. Инновация — движущая сила китайского общества в современную эпоху. //Экономист. № 4. 2008 г. С. 6.

33. Ирманов А. О формировании эффективных механизмов взаимодействия между частным бизнесом, наукой и государством. Научные труды международной конференции. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябрь, Тошкент.2008.88б.

34. Исоқова Т., Собиров У. Бандлик ва деҳқон хўжаликлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001. №3. 19 – 20 б.

35. Исхаков А., Урманова Д. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолаш усуллари. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябр ,Тошкент.2008.140б.

36. Кадыров А.М. и др. Организационно-экономический механизм формирования и реализации инновационной политики. Т.: ТГТУ.2005.195с.

37. Китова Г.А., Черкасов В.В. Государственная политика в сфере науки и новых технологий: новые задачи и старые решения //Инновации. 2008. №3.С. 3.

38. Кодирова Н.Ш. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида инновацияларнинг урни. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябрь, Тошкент.2008.137б.

39. Юсупова Н.М. Проблемы активизации инновационной деятельности в Узбекистане и ценовая и налоговая политика государства //Общество и экономика, 2007г. № 2-3, Москва.

40.

41. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

42. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти

43. <http://www.fnpz.uz> – Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг расмий сайти.

44. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

45. <http://www.prezident.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

46. <http://www.ziyonet.uz> – Ахборот таълим тармоғи.